

**ЎЗБЕКИСТОНДА
АРХЕОЛОГИК
ТАДҚИҚОТЛАР
2020 ЙИЛ
13 СОН**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
МИЛЛИЙ АРХЕОЛОГИЯ МАРКАЗИ
САМАРҚАНД АРХЕОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
АКАДЕМИЯ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
НАЦИОНАЛЬНЫЙ ЦЕНТР АРХЕОЛОГИИ
САМАРКАНДСКИЙ ИНСТИТУТ АРХЕОЛОГИИ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА АРХЕОЛОГИК
ТАДҚИҚОТЛАР: 2020 йил
13 - сон**



**АРХЕОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
В УЗБЕКИСТАНЕ: 2020 год
Выпуск - 13**

**ARCHAEOLOGICAL RESEARCHES
IN UZBEKISTAN season 2020
Volume - 13**

Самарқанд - 2021

УЎК: 902
Ў12

Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар / тўпلام; масъул муҳаррир Ф.А. Мақсудов; Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Миллий археология маркази Самарқанд археология институти – Самарқанд, 2021. – 146 б.

“Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар” тўпلامининг 13-сонида Республикамиз худудида 2020 йилда олиб борилган археологик тадқиқотларнинг қисқача натижалари жамланган. Тўпلام археолог, тарихчи, шарқшунос, этнограф, санъатшунос мутахассислар, ОЎЮ, коллеж, лицей ва мактаблар ўқитувчилари ва мамлакатимизнинг узоқ ўтмиши билан қизиқувчи барча ўқувчилар оммаси учун мўлжалланган.

Тўпلام Ўзбекистон-Франция экспедицияларининг моддий ёрдами асосида наиш этилди

Масъул муҳаррир:
Ф.А. Мақсудов

Тахрир хайъати:
М.Х. Пардаев
Ж.К. Мирзаахмедов
М.М. Саидов
А. Холматов
З. Раҳманов

Такризчилар:
т.ф.д. Х. Холматов
т.ф.н. К. Раҳимов

В 13 выпуске «Археологических исследований в Узбекистане» содержатся краткие результаты археологических изысканий и открытий на территории Республики Узбекистан, проведенных в 2020 году. Сборник рассчитан на специалистов-археологов, историков, востоковедов, этнографов, искусствоведов, преподавателей ВУЗов, колледжей, лицеев и школ, а также для всех, кто интересуется далеким прошлым нашей страны.

Издание осуществлено при поддержке Узбекско-Французской археологической экспедиции

Ответственный редактор:
Ф.А. Мақсудов

Редакционная коллегия:
М.Х. Пардаев
Д.К. Мирзаахмедов
М.М. Саидов
А. Холматов
З. Раҳманов

Рецензенты:
т.ф.д. Х. Холматов
т.ф.н. К. Раҳимов

The 13th volume of “Archaeological Research” includes the brief results of archaeological works and discoveries in the territory of the Republic of Uzbekistan. The book is intended for the archaeologists, historians, teachers of the Universities, students of the colleges, schools and every-body who is interested of the history of culture of Central Asia.

Editor-in-chief
F. A. Maksudov

Editorial board:
M.H. Paradaev
Dj.K. Mirzaakhmedov
A.A. Gritsina
M.M. Saidov
Z. Rakhmanov

Reviewers:
Prof. Kh. Kholmatov
Dr. K. Rakhimov

This publications is carried with supporting of Uzbek-French Archaeological Missions

ISBN 978-9943-7101-3-9

© Самарқанд археология институти

ТАҲРИРИЯТДАН

“Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар” тўпламининг навбатдаги 13–сони республикаимиз ҳудудида 2020 йилда ўтказилган қазув тадқиқотлари натижаларининг қисқача баёнига бағишланган. Маълумки, 2020 йилда бутун жаҳонда бўлгани каби мамлакатимиз ҳам коронавирус пандемиясининг глобал офатини бошдан кечирди ва бу ҳолат ҳануз давом этмоқда. Ушбу касалликка қарши кураш жараёнида маълум бир чекловлар эълон қилинди. Бу эса ўз навбатида бошқа соҳаларда бўлганидек, археологик қазув ишлари боришига ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатди. Шу вақтга қадар, ҳар йили ўтказилган археологик қазув, кидирув тадқиқотлари географиясини мамлакатимизнинг барча тарихий-маданий воҳа (вилоят) лари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасини қамраб олган бўлса, 2020 йилда ушбу қамров анча чекланганлигини кўришимиз мумкин.

Шундай бўлсада, пандемия даврида ҳам археологик қазув ишлари қисқа муддатда бўлсада, олиб борилди. Қазув ишлари асосан, Самарқанд, Андижон, Тошкент, Сирдарё, Навоий вилоятларида ўтказилиб, археология тадқиқотларининг барчаси хўжалик шартномалари асосида тушган маблағлар ҳисобидан амалга оширилди.

Мазкур тўпламда ўрин олган илмий хабар ва мақолаларнинг “хронологик рамкаси” қадимги тош асридан сўнгги ўрта асрлар даврига қадар узоқ давом этган тарихий санани ўз тасарруфига олган бўлсада, нашрнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб тўплам мундарижаси анъанавий тарзда муаллифларнинг исми шарифидан келиб чиққан ҳолда алифбо тартибида тузилди.

Ҳозирги кунда Республика ҳудудида коронавирусга қарши олиб борилаётган самарали кураш ўз натижасини бермоқда. Бу эса Республиканинг турли ҳудудларида яна дала тадқиқотлари жонланаётганлиги бунинг яққол намунаси дир.

Ўйлаймизки, 2021 йил дала тадқиқотлари натижасига бағишланган тўплам нисбатан йирикроқ ва муҳим илмий натижаларга бой бўлади.

Б.М. Абдуллаев, Н.Ш. Қамбаров

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ХОНОБОД-1 ЁДГОРЛИГИДАГИ ҚАЗИШМА НАТИЖАЛАРИ

2020 йилнинг август-сентябр ойларида мавжуд археологик ёдгорликларни аниқлаш учун дала тадқиқотлари волонтерлик асосида олиб борилди. Бунда АнДУ ректорати ҳамда шахсан Тарих факультети декани Р.Р. Шамсутдинов ташаббуси билан I-IV курс талабаларидан навбат билан (уч кундан) 5-8 кишидан иборат ишчи гуруҳи ташкил этилди.

Дастлаб бу ҳудудда Хонобод шаҳар ҳокимлиги ва маҳаллий оқсоқоллари орасида суруштирув-ташқилий ҳамда дастлабки археологик разведка ишлари (14-28 август) натижасида янги археологик ёдгорликлар - иккитадан пастекисликдаги қадимий мозорлар (Хонобод-1 ва Хонобод-2) ҳамда адир чеккаларида манзилгоҳлар (Хонобод-3 ва Хонобод-4) ўрни аниқланди (1-расм). Хонобод-1 қадимий мозори бўйича, 8-10 йилдан бери хом ғишт қуйиш учун бузиб келинганлиги ва унда топилган сопол идишлар маҳаллий тарих муҳлиси томонидан йиғилганлиги қайд этилди. Шу сабабли, ёдгорлик бузилишини олдини олиш учун фавқулодда дала тадқиқот ишлари олиб бориш зарурати пайдо бўлди. Айнан шу эҳтиёж сабабли, қидирув гуруҳи дастлаб уй музейи ташкил қилган маҳалла оқсоқоли Абдулхай аканикига бориб, уй музейидаги йиғилган сопол тўпламлари (2-расм) билан танишиб чиқди. Оқсоқолнинг таъкидлашича, бу сопол идишлар тўплами нафақат қадимий мозорлардан, балки унинг пастидидаги даладаги мавжуд тепаликларни бузилиши жараёнида ҳам топилган, бироқ кўплаб сополлар синдириб юборилган. Шу туфайли, сопол идишларни дастлабки қиёсий таҳлилини қилишга киришилди ва бунинг натижасида қуйидаги илк хулосалар олинди:

Сопол идишларнинг аксарияти қўлда ясалган ва айримлари бўёқ билан нақшланган, уларнинг даврий санаси милоддан аввалги VII – милодий VII асрлар билан белгила-



1-расм. Хонобод тоғ ёнбағридаги ёдгорликлар жойлашган харитаси.



2-расм. Абдулхай Кенжаев уй-музейидаги қадимий сопол комплекси

нади. Сополлар комплексида чархда тайёрланган нусхалари ҳам мавжуд бўлиб, улар даврий жиҳатдан милодий I асрлардан – милодий X асрларгача яшаб келган аҳоли маданиятига тегишли бўлган. Демакки, қайд этилган сополлар тўплами бу ҳудудда аجدодларимиз сал кам XIX аср мобайнида умргузаронлик қилишган. Юқорида келтирганимиздек, сопол идишларни бир қисми кўчманчи маданият вакилларига тегишли бўлса, бошқалари ўтроқ ҳаёт тарзини мақбул кўрган аجدодларимизга тегишлидир. Айрим топилмаларнинг ўзига хослиги шундаки, уларнинг сиртига туширилган нақшлар Чуст, Эйлтон ва Шўрабошот маданиятларига хосдир. Бу эса турли маданият соҳиблари бўлган қадим аجدодларимизнинг яқин алоқадорлиги ва ўзаро қоришиб бораётганлигининг ҳосиласидир. Шу туфайли, аниқланган манзилгоҳ ва қабрқўрғонларнинг кенг камровли тарзда ўрганилиши, топилмалар қиёсий таҳлил этилиши зарурлигини кўрсатади.

Шундан сўнг, гуруҳимиз Қашқайўл пунктида Хонобод-1 қадимий мозорини кўздан кечириш жараёнида Н.Ш. Қамбаров томонидан адирлик четидаги қирқилган жойидан кўлда ясалган коса топиб олинди ва у қадимий даврга тегишлилиги аниқлангач, дастлабки қазишмаларни шу объектда бошлашга қарор қилдик. Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, ёдгорликнинг ғарбий томонида, одамлар фаолияти туфайли шаклланган сунъий қирқимда 30-35 м узунликка чўзилган ўрта катталиқдаги тошлардан тизилган горизонтал чизиқ мавжуд. Бу эса мозоркўрғоннинг сақланган узунлигидан дарак беради.

Ўтган асрнинг 70-80 йиллари Хонобод-1 қадимги мозори Кампирравот канали қурилиши туфайли ҳосил бўлган тупроқ қатлами билан қопланган. Шу қазишма туфайли, адирнинг тупроқ камроқ тушган қисмида, 10х10 м майдонда қазишма ишлари олиб борилди. Қазишма майдонининг устки 0,5-1,2 м қалинликдаги тупроқ қатлами олингач, қадимги мозор устидаги тошлар очилди. Ётқизилган тошларни тозалаш жараёнида улар орасидан кўлда ясалган ва бўёқли нақшга эга сопол парчалари топила бошланди. Бу тош ётқизиклари олингач, улар остида 15-20 см қалинликда тупроқ уюми борлиги қайд этилди. Бироқ, тош ётқизиклар одатдаги кўчманчилар мозорларидан фарқли равишда бир жойда, уюм кўринишида бўлмай, бир маромда қазишма майдони бўйлаб текис қилиб ётқизилган.

Дала тадқиқотлари қазишманинг шимолий томонида 10х3 м майдонда давом эттирилди. Тупроқ уюми олингач, 2-қатор тош ётқизиклари очилди ва улар орасида ҳам кўлда ясалган ва бўёқли нақшга эга сопол парчалари иккита тош ўроқ бўлаклари қайд қилинди. Бу каби тош ўроқлар ясалиши ва ҳажмларига кўра, Чуст ва Шўрабошот маданиятига оид ёдгорликларда топилган (Заднепровский, 1962. С. 33, 36, рис. 12). Мозорнинг шимоли-шарқий қисмида махсус тартибда йирик қайроқ тошлардан қўйилган ўзига хос қурилма аниқланди, лекин унинг функционал вазифаси нимадан иборатлиги ҳозирча номаълум.

2-қатор тош ётқизиклари олингач, улар остида яна тупроқ уюми чикди. Қазишманинг шимоли-шарқий қисмидаги тош қурилманинг жануби-шарқида қўлда ясалган дастлабки бутун ва бўёкли нақшга эга сопол коса қўлга киритилди. Шундан сўнг, сопол идиш атрофи тозалангач, унинг ўнг томонида 1-қабр борлиги аниқланди, бироқ қабрнинг асосий қисми шарқдаги қирқим остида қолган. Қабр ҳажми қуйидагича бўлиб, очилган узунлиги 0,8 м, бош томонидан эни 0,7 м ва чуқурлиги 0,8 м. дан иборат. Қабрдаги жасад узунасига белига ётқизилиб, юзи тик қаратилган ва устихон жануби-шарқдан шимоли-ғарбга йўналтирилган.

Биринчи идиш топилган сатҳ бўйича 2 м атрофи тозаланганда унинг шимоли-ғарбида яна битта бутун қўлда ясалган ва бўёкли нақшга эга сопол коса топилди. Сополнинг шимол тарафида 2-қабр ўрни аниқланди. Қабр ҳажми қуйидагича бўлиб, узунлиги 1,9 м, эни 0,8-0,85-0,7 м ва чуқурлиги 0,8 м. ни ташкил этган. Қабрдаги жасад, биринчиси сингари, белига ётқизилиб, юзи тик қаратилган ва устихон шарқдан ғарбга йўналтирилган.

Шунингдек, қирқимнинг марказида тош ётқизиклар остида диаметри 50x60 см ўчоқ ўрни ва ғарбий чегарасида иккита устун ўрни қайд этилди. Ўчоқдан лаборатория таҳлиллари учун қорақурум олиниб, жой тозалангач остидан иккита коса топилди. Улардан бири қўлда, иккинчиси эса чархда ясалган. Бу инвентарларнинг ҳам ўнг тарафида 3-қабр излари аниқланди, бироқ молиявий етишмаслик туфайли очилмади ва қазишмани консервациялаш ишларига ўтилди. Вақт камлиги туфайли қабрдаги жасадлар тўлиқ очилмай, фақатгина устихонлар чиқиши қайд қилинган.

Моҳиятан қадимий мазорда очилган қабрлар йўналиши баъзи оғишларни ҳисобга олганда шарқдан ғарбга қаратилган ҳамда уларда қўйилган сополлар қабр ичида эмас, балки уни тепасига қўйилган. Шунингдек, қабрдаги жасад устидан тупроқ ва тош қатламлари кетма-кет бостирилган. Бу кўринишдаги қабрлар ва кўмиш услублари Фарғона водийси ғарбида Эйлатон-Оқтом маданиятига оид

мозорлардаги айрим қабрларда (Горбунова, 1961. С. 173, рис. 2; Горбунова, 1969. С. 73, рис. 2) қайд этилган.

Шундай қилиб, 2020 йил дала тадқиқотлари натижасида Хонободдаги адир олди ва адир устида тўртта янги ёдгорлик аниқланиб, уларда мил. авв. I ва мил. I минг йилликлар орасидаги қадимги ҳаёт излари аниқланди. Бу ҳол эса, келгусида мозорқўрғон ва манзилгоҳларни параллел равишда тадқиқ этиб, улардаги илк темир ва антик даврларга оид топилмаларни ўзаро солиштириш ҳамда сақланган меъморий конструкцияларни ўрганиш заруратини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар:

Горбунова Н.Г. Кунгайский могильник // АСГЭ. Вып. 3. Л., 1961.
Горбунова Н.Г. Суфанский могильник // АСГЭ. Вып. 11. Л., 1969.
Заднепровский Ю.А. Древнеземледельческая культура Ферганы // МИА. Вып. 118. М.-Л., 1962.

**Б.М. Абдуллаев, К.А. Крахмаль,
Н.Ш. Қамбаров, А.Г. Мухамадиев**

**АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ХЎЖАБОД ТУМАНИ
ТОШ ОТА ҚИШЛОҒИДАГИ
ДАСТЛАБКИ АРХЕОЛОГИК ИЗЛАНИШЛАР**

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020-йил 24-июлдаги 03-18/3563 сонли хатига асосан тайёрланган “Андижон вилояти Хўжобод тумани Имом ота қишлоғи Тош ота маҳалласида туризм қишлоғи (маҳалласи)ни ташкил қилиш юзасидан чора-тадбирлар дастури”га ва ЎЗР ФА Миллий археология марказининг жорий йил 28-июлдаги 160-сонли хатидан келиб чиқиб, 2-12-сентябр кунлари қайд этилган ҳудудда кичик илмий гуруҳ томонидан археологик-геологик текширув ишлари олиб борилди.

Тош ота маҳалласи уч томондан тоғ ва адирлар билан ўралган кичик воҳа бўлиб, бу ерда XVIII-асрдан буён Имом ота зиёратгоҳи фаолият олиб келади. Воҳа атрофидаги тоғ ва адирларда кўплаб ғорлар (8 та) ва булоқлар (4 та) мавжуд (1-расм). Барча ғорлар координатлари ва номлари белгиланган:

Имом ота ғори: 40.546187; 609800; баландлиги 1114 м.

Шамол унгир: 40.549890,7; 614853; баландлиги 1221 м.

Қопқоқли унгир: 40.549359,7; 614979; баландлиги 1214

м.

Беш унгир: 40.552737,72; 618837; баландлиги 1255 м


Қатрон унгир-1: 40.551192; 618830; баландлиги 1315 м.

Қатрон унгир-2: 40.551192; 618830; баландлиги 1315 м.

Орзу ғори: 40.547149,72; 605114; баландлиги 1220 м.

Эрчак унгир: 40.549371,72; 604388; баландлиги 1225 м.

Маълумки, ғорлар ва булоқлар инсоният тарихининг барча давр одамларини ўзига жалб этиб келган. Дунё бўйича спелеолог (ғоршунос)лар томонидан Франция, Испания, Урал (Россия) ва Хитойдаги ғор комплекслари анча батафсил ўрганилган. Фарғона водийсида эса дунёга



1-расм. Имом ота тоғ ёнбазидаги гор ва булоқлар жойлашув харитаси.

машхур Олой тоғ ён-бағри Сўх воҳасидаги Селунғур ва Девайрон ёдгорликлари кенг қамровли ўрганилиб, улардаги маданий қатламлардан яшма ва яшмасифат тош хом-ашёсидан қадимги тош даврига оид меҳнат қуроллари тайёрланган.

Бу борада, Тош ота маҳалласи жойлашган тоғ ёнбағирларида қурилиши режалаштирилаётган меъморий комплекслар ҳудудида чакмоқтош (кремний) кварц ва айниқса яшма маъданлари (горные породы) аниқланган. Бу маъданлар эса Фарғона қадимий одами ("фергантроп") каби аجدодларимиз дастлаб истиқомат қилган Селунғур ғори тадқиқотлари давомида топилган меҳнат қуроллари яшашда ишлатилган хом-ашёнинг асосий таркибий қисми саналган (Крахмаль, 2021. С. 228).

Тарихимизнинг ибтидосига оид моддий ва маънавий маданиятнинг яратилишида хом-ашё сифатида катта аҳамият касб этган чакмоқтош ва яшма маъданларининг бу жойда мавжудлиги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (48, 49, 50-моддалар) ҳамда тарихий ёдгорликларни муҳофаза қилиш Қонунидан келиб чиқиб Тош ота ҳудудидаги барча қурилиш ишлари бевосита археологик назорат остида олиб борилиши шарт. Зеро, бу ҳудуддаги ғор комплекслари Марказий Осиёдаги барча маълум ғорлардан устивордир ва келажақда халқаро спелео (ғор), экологик, тарихий, археологик ва геологик туризмини тараққий этишига замин бўлади. Ушбу ноёб объектларни истиқболи кичик чегараланган ҳудудда ва экстремал табиий баланд тоғлик шароитида Фарғона водийси, Ғарбий Тянь-Шан ҳамда Помир-Олой тоғ тизмаларида минтақа геологияси ва тош даври тарихи ўз аксини топган. Ғорларда ўзига хос табиий бирикмалар – сталактитлар, стагмитлар ва сталагматлар мавжуд бўлиб, улар иқлимий ва бир қатор тарихий-геологик жараёнларни ўзида мужассамлаштиради. Шу билан бирга, ғорларда маҳаллий ва минтақавий қамровдагилардан фарқли ўзига хос ўсимлик ва ҳайвонот дунёси аниқланди.

Хулоса қилиб айтганда, Тош ота қишлоқ туристик ҳудудида аниқ ва ижтимоий фанлар мутахассислари томонидан кенг қамровли тадқиқотлар ўтказишни лозим, деб ҳисоблаймиз. Айти пайтда Тош ота ҳудудидаги барча қурилиш ишлари бевосита археологик ва геологик назорат остида олиб борилиши шарт.

Фойдаланилган адабиётлар:

Крахмаль К. А. Сельунгур – древнейший памятник истории материальной культуры Ферганы. Самарканд: МИЦАИ, 2021.

Ўзбекистон Республикаси конституцияси // <https://lex.uz/acts/20596>.

**А. Асқаров, Х. Матяқубов, Д. Нормуродов,
Б. Исабеков, У. Исмаилов**

СУЮРЛИТЕПА ЁДГОРЛИГИДА ОЛИБ БОРИЛГАН АРХЕОЛОГИК ҚАЗИШМАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан эълон қилинган ва бажарилиши 2019-2020 йилларга мўлжалланган мақсадли инновацион тадқиқотлар лойиҳаси доирасида Низомий номидаги ТДПУ (ижрочи ташкилот), ЎзР ФА Миллий археология маркази ва ЎзР ФА Тарих институти илмий ходимлари ҳамкорлигидаги гуруҳ томонидан Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, Қорабулоқ қишлоғининг жанубий чегарасида, Олмалиқ-Ангрен йўлининг ўнг томонида, Оҳангарон дарёсининг иккинчи террасаси устида жойлашган Суюрлитепа ёдгорлигида 2020 йилда стационар археологик дала тадқиқот ишлари ўтказилди.

Экспедициянинг олдида қўйган асосий вазифа ёдгорликнинг тарихий топографиясини аниқлаш бўлса, иккинчиси шаҳарнинг стратиграфиясини ўрганиш бўлди. Тарихий топография деганда, ёдгорликнинг қайси қисми қачон ўзлаштирилган, у жойда нима жойлашган ва улар қайси объектлардан иборатлиги тушунилади. Одатда археология фанида шаҳар ҳақида сўз юритилганда асосан учта омил эътиборга олинади. Биринчиси, арк (арки аъло, цитадель, қўхандиз) – шаҳарнинг ҳукмдори турган марказий қисми, иккинчиси, арк атрофини ўраб олувчи хунармандлар маҳалласи – шаҳристон, учинчиси шаҳарнинг ташқи қисми – работ. Биз ўрганаётган Суюрлитепа ёдгорлигида қадимги ва ўрта аср шаҳарларига хос бўлган мана шу учта бош омил жой рельефида яққол намоён бўлади.

Ёдгорлик комплексининг ғарбий баланд нуқтасидан шарққа, кун чиқар томонига назар ташланса, Суюрлитепа қадимги шаҳарнинг топографик плани яққол кўзга ташланади.

Шаҳар ҳудудининг ҳар бир қисми бирма-бир кўздан кечирилди. Маълум бўлдики, шаҳар ўрнашган табиий-географик жой рельефига кўра, шаҳарнинг таркибий қисми жойлашган. Шаҳар марказида кўхандиз, унинг атрофида шаҳристонлар, жанубий шаҳристон ташқарисида, шаҳар ҳукмдорининг боғу-роғлари, улардан жанубда қадимги металлурглarning мудофаа девори билан ўралган металлсозлик ишлаб чиқариш устахоналари жойлашган. Унинг жануби-шарқий тепалигида аслзода металлургнинг қасри жойлашган. Улардан жанубда тоғ остига қадар адирликларда сойлар бўйлаб мозоркўрғонлар жойлашган.


Ўрганилаётган объектнинг марказий қисмида шаҳарнинг арки жойлашган. Унинг майдони 2,5 гектардан иборат. Арkning атрофи мудофаа деворлари билан ўраб олинган. Мудофаа деворларининг қолдиқлари бугунги кунда шаҳристондан ажралиб турувчи табиий тепалик устида жойлашган. Тўғри тўртбурчак шаклидаги арkning тўрт томонида муштаҳкам кўриқлаш миноралари мавжуд. Бу минораларнинг ўрни янада баландроқ тепалик шаклида ажралиб туради. Арк (кўхандиз) атрофларини тўрт томондан ўраб олган ҳунармандлар маҳаллалари жойлашган. Уларни шартли равишда тўртга бўлиб, қуйидагича: Арkning Оҳангарон дарёси водийси томонидаги шимолий қисмини 1-шаҳристон, кун чиқиш – шарқ томонини 2-шаҳристон, Қурама тоғлари адирларига туташувчи жанубий томонини 3-шаҳристон ва кунботар – ғарб томонини 4-шаҳристон, деб номладик. Шаҳарнинг шимолий-ғарб томонидаги бурчагида шаҳарнинг диний ибодат маркази – Вағнзе мулки жойлашган.

Суюрлитепа тарихий топографиясини визуал ўрганиш билан бирга, унинг икки объектида қазишмалар олиб бориш зарурати туғилди. Унинг биринчиси ёдгорликнинг археологик стратиграфиясини ўрганишга қаратилган бўлса, иккинчиси унинг умумшаҳар диний топиниш (культ) объектида изланишлар олиб боришни тақозо этади. Шу муносабат билан шаҳар стратиграфиясини ўрганиш мақсадида ёдгорлик Аркида археологик қазишма ишлари олиб борилди.

Суюрлитепанинг археологик стратиграфияси. Суюр-литепанинг ўзлаштириш тарихини ўрганиш учун ёдгорлик-нинг энг қадимги қисми ҳисобланган Аркда, унинг шимоли-ғарбий бурчагида, ғарбдан шарқ томонга йўналтирилган 5х48 м ўлчамда стратиграфик шурф қазилди (**1-расм**).

Кўхандизнинг чор атрофини ўраб олган мудофаа девори вақт ўтиши билан нураб, ташқи томонга йиқилган. Кўхандиз баландлиги камида 6 м. лик табиий тепалик устида қад кўтаргани боис, аркнинг чор атрофи конуссимон қиялик кўринишини олган. Траншея кесмасида, унинг ғарбий чегарасидан 8 м масофада арк тепалигининг чегараси бошланади.

Траншея бошланғич нуқтасидан шарққа томон 13,20 м. масофада табиий тепалик бағрига кириб борган икки хонали ер ости (“холодильная камера”) совутиш хоналари ясалган бўлиб, уларда ёз кунлари гўшт, сут маҳсулотлари сақланган. Камералар шифти кубба шаклида, биринчи камеранинг полдан шифтига қадар баландлиги 1,80 м.ни, ер сатҳининг




1-расм

устки юзасидан полгача 3,5 м.ни, шарқий деворининг қалинлиги 60 см.ни ташкил қилади. Ундан иккинчи шарқий камерага ўтилган. Унинг кенлиги 2,5 м. Полидан шифтига қадар баландлиги 2,60 м. Ер сатҳининг устки юзасидан полига қадар чуқурлиги 5,24 м. Совутиш (“Музлатгич”) хонасининг ичи кейинчалик юқоридан оқиб тушган тупроқ, кул, хом ғишт бўлақларига тўлган. Маданий қатламлар ҳар хил қалинликда ғарбдан шарққа томон оқиб тушган.

Траншеянинг ғарбий чегарасидан ғарбга томон 24 м масофада, материк устида икки қатор пахса девор учратилди. Унинг баландлиги 2,5 м. Ҳар бир пахса орасига бир қатор хом ғиштлар (қалинлиги 6-7 см) териб чиқилган. Сўнг, бу деворнинг устига 0,5 м шағал ётқизилган. Траншея кесмасида, шағал устида мудофаа деворнинг нураган бўлақлари аралаш тупроқ, кул, сопол, тош ва бошқа нарсалар қоришмаларидан иборат маданий қатлам ҳосил бўлган. Унинг тепа қисмида линза шаклида қатлам-қатлам кулга тўла овалсимон чуқурчалар (ямалар) ҳосил бўлган. Траншея кесмасининг ғарбий чегарасидан 35 м масофада илк ўрта асрлар даври ташқи деворининг тош пойдевори (фундаменти) очилди. Тош пойдевор (фундамент)нинг қалинлиги (эни) 80 см, узунлиги (бўйи) 9,50 м. ни, сақланган баландлиги эса 50 см. ни ташкил қилади. Унинг шимолида тош пойдевор 2,40 м. да, жанубида 1,40 м. да сақланган. Бу тош деворнинг ўрта қисми траншея қазилш вақтида бузилиб кетган. Материкдан тош пойдевор юза сатҳига қадар 5 м. Шурф-траншея кесмасидан олинган материалларнинг материкдан то шағал қатламига қадар қатламлардан топилган материаллар мажмуи миллодий IV-VI асрлар, яъни Қовунчи маданиятининг 2-босқичи охирлари ва 3-босқичига хосдир. Бу давр маданий қатламининг қалинлиги 2,5 м. дан кам эмас. Унинг устида 50 см. лик шағал қатлами, бу қатламнинг устида эса 3 м. га яқин қалинликдаги маданий қатлам сақланган. Мана шу қатлам бағрида монументал характердаги девор қолдиқлари сақланган бўлиб, унинг хронологияси VII-VIII асрлардан XI-XII асрлар (Қорахонийлар) даврини ҳам камраб олган. Худди шу VII-VIII асрларда аркнинг шимоли-ғарбий бурчагида

1 курилиш даври
кесма тархи.



2-расм

квадрат шаклида минора (башня) таркиб топган. Шундай қилиб, юқорида таъкидланганидек, табиий тепаликнинг баландлиги 6 м. Унинг устига илк бор милодий IV асрда аҳоли кўчиб келган. Мана шу қатламлар баландлиги материкдан 4,70 м.га юқorigа кўтарилган шурф-траншея майдонини 15x18 м.га кенгайтиришга тўғри келди (2-расм).

Маълум бўлдики, кенгайтирилган майдонда Аркнинг шимоли-ғарбий минораси жойлашган. Минора квадрат шаклида бўлиб, унинг ғарбий деворининг узунлиги 15 м, жанубий ва шимолий деворларидан 13 м. гача узунликда очилди. Деворларнинг қалинлиги 1,20 м.

Минора казармасига кириш дарвозаси унинг жанубий девори ўртасидан очилган. Дарвозанинг ҳар иккала ён томонларига узунлиги 1,8 м, кенглиги 50 см. ли супа ясалган. Дарвозадан биринчи хонага кирилган. У узун ва кенг коридорсимон шаклда, унинг ўлчами 12x4 м. Қорахонийлар даврида унинг ғарбий девори бузилиб, кенгайтирилган. Шу муносабат билан биринчи хонанинг ғарбий ярми майдонида кўшимча қурилишлар амалга оширилиб, Қорахонийлар даврида 3 та параллел ўчоқлар ясалган, ҳатто илк ўрта аср деворлари устида 2 та ўчоқ ўтхоналари сақланган (**3-расм**). Уй-жой қурилмалари эса бузилиб кетган.

Квадрат миноранинг ғарбий девори кенглиги 80 см. ли тош фундамент устига қурилган. Афсуски, тош фундамент устига қурилган девор сақланмаган. Тош фундамент бўйлаб кенглиги 1,6 м. ли соқчиларнинг кузатув коридори жойлашган. Коридорнинг шарқий девори 9,3 м. да биринчи узун хонанинг қалин (кенглиги 1,2 м) шимолий деворига бориб тақалади.

Коридорсимон биринчи узун хонадан иккинчи хонага ўтилган. У ҳам биринчи хона каби дастлаб узун казарма типда қурилган бўлиши мумкин. Чунки, унинг жанубий ва шимолий деворлари (қалинлиги 1,2 м) фундаментал характерда, аммо унинг шарқий девори кейинроқ, Қорахонийлар даврида қурилган бўлиши мумкин. Чунки, 70 см.ли Қорахонийлар даври девори фундаменти остида 1,20 м. қалинликда шибаланган маданий қатлам ястаниб ётибди. Унинг таркибида кул, кўмир, сопол, суюк парчалари кўплаб учрайди. Мана шу маданий қатлам остидаги хом ғишт (дев ғишт)лар терилган пол юзасига йирик сопол парчалари тўшалган. Сопол парчалари устида яхши ишланган лойдан алтар ясалган (**4-расм**).



*3-расм. Атрофига хом гишт терилган ўчоқлар
(Қорахонийлар даври)*



4-расм. Оташгоҳ (алтар)

Алтарда узоқ вақтлар давомида олов ёниб турганлиги туфайли унинг деворлари тошқолга айланиб кетган. Алтар усти ва теварак-атрофи кул ва куйган қаттиқ ўтин кўмирлари билан қоришиб кетган. Алтар ва унинг атрофидан топилган артефактлар 2-хонани ушбу казарманинг VII-VIII асрларга тегишли қатламининг оловга сиғиниш ибодат маскани бўлганлигига ишора қилади. Демак, ушбу алтар ва қалинлиги 1,2 м бўлган маданий қатлам Кўхандиз стратиграфиясида VII-VIII асрларга тегишлидир.

Очилган хонанинг майдони полини 35 см. гача кесиб тушилганда устма-уст терилган хом ғиштлар чиқиши давом этди. Ғиштлар ҳажми (55x35x15 см) бир хил (**5-расм**). Хонанинг шимоли-шарқий бурчагида ҳажми 50x60 см. ли девор ости томон кетган совутиш хонаси очилди. Камера 1 м. гача девор остига қиялаб кириб борган.

Шундай қилиб, ғишт полли хонанинг илк ўрта асрларда қурилган шарқий девори топилмади. 1,2 м. ли маданий қатлам устида Қорахонийлар даври девори топилди. Деворнинг 70 см. гача баландликда сақланган тош аралаш фундаментининг кенглиги 80 см. Эҳтимол, 3-хона ёки 2-хонанинг давомидир. Унинг шимоли-шарқий қисмида казарма стратиграфиясини ўрганиш мақсадида 3x2 м ҳажмда шурф қазилиб, унинг чуқурлиги Қорахонийлар даври поли юзасидан материкача 5,2 м. Шурф ер сатҳидан материккача 6,2 м. Демак, Кўхандиз стратиграфиясининг биринчи даври (IV-VI аср) материккача 2,5 м эканлиги аниқланди.

3-хона деб номланган хона шимол томондан девор билан ўралмаган. Шурф кесмасида шимолий девор юқоридан пастга қуйидагича: Ер сатҳидан 1,3 м. да ғалвирак маданий қатлам (Қорахонийлар даври), ундан 50 см. пастда жипслашган маданий қатлам, унинг остида 30 см. ли кул қатлами, ундан 50 см пастда қаттиқ маданий қатлам, унинг остида 40 см. ли кул кум аралаш ғалвирак қатлам, остида яна 30 см. ли тиниқ маданий қатлам, унинг остида 2,2 м. ли зич маданий қатлам, остида 70 см.лик қаттиқ маданий қатлам ҳосил бўлган бўлиб, сўнг материк очилди. Демак, материккача 3-хонанинг шимолий томонида фундаментал девор излари

учратилмади. Ушбу стратиграфик кесмага кўра, илк ўрта асрлар даври қатламининг қалинлиги 4,4 м. дан кам эмас. Унинг юқориси Сомонийлар ва Қорахонийлар даврига тегишли бўлган. 3-хонадан 4,5-хоналарга ўтилган. 4-хона илк ўрта асрларда фундаментал деворлар билан ўраб олинган. Унинг полига ҳам хом ғишт (дев ғишт) лар ётқизилган. Аммо, бундай ҳолат 5-хона майдонида кузатилмади. Чунки, унинг шимолий деворининг излари сақланган бўлсада, хона тўлиқ очилмади. Кўхандиз шимоли-ғарб минорасининг майдони Сомонийлар ва Қорахонийлар даврида тўлиқ ўзлаштирилган. Қазишма майдонидан у даврларга тегишли девор парчалари, 4 та ўралар топилди. 4-хонадан топилган Қорахонийлар даврига тегишли ўра полидан шоли донлари топилди (**6-расм**).



5-расм. 2-хона

Унинг деворига тик ёпиштирилган бўйра изларига ва шоли донларига қараганда, бу ўра шоли ўраси бўлган. Унда 1 тоннагача шоли сақлаш мумкин. Бундай шоли омбори 2013 йилда Суюрлителиба ибодатхонасидан ҳам топилган эди. Ушбу хона ичидаги иккинчи ўра ҳам минора қоравулларига тегишли ғалла ўраси бўлиши мумкин.

Кулоллик махсулотлари. Суюрлителиба аркига солинган стратиграфик шурф-траншеядан минглаб сопол парчалари йиғиб олинди. Улар тахминан 308 та турли хил сопол иди-




6-расм. 4-хонадаги ўрадан топилган шולי донлари

шларнинг гардишлари (венчик), даста ва таг қисмлари бўлиб, уларни уч тарихий даврларга тегишли эканлиги аниқланди. Шуларнинг 120 таси идиш оғзи (гардишлар), 108 таси идишлар таг қисми, 80 таси идиш дасталаридан иборат.

Улардан милодий IV-VI асрларга тегишли сополлар сони 12 та, шундан 2 таси археологик бутун ва улар қўлда ясалган. Комплексада идиш гардишлари 5 та, унинг 4 таси қўлда, 1 таси кулоллик чархида ясалган. Идиш дасталари 3 та ясалган. Қозон қопқоқлар 1 та (7-расм).

Бу давр сопол идишларининг тури хилма-хилдир. Улар кўзалар, хум ва хумчалар, жом-тоғоралар, сфера қоринли хурмачалар, конуссимон коса ва нимкосалар, кенг ва тик бўғизли идишлар, тарелка ва қопқоқлар ва бошқалардан иборат. Обдаста жўмрак қарама-қаршисида унинг кулоксимон дастаси мавжуд. Дастанинг юқори томони устида қандайдир ҳайвон шакли туширилган (7.1-расм). Кўза сифатсиз, қўлда ясалган, сиртига қора ангоб берилган. Кўзанинг дастаси бор, лекин дастаси синик. Бундай кўзалар Қовунчи маданиятида кенг тарқалган (7.2-расм).

Жом-тоғораларнинг оғзи кенг очик, конуссимон шаклда ишланган. Уларнинг орқага қайрилган овалсимон лаби текис эмас, ўткир қиррали, лаби остига тўлқинсимон лента ёпиштирилган. Уларнинг жом-тоғоралардан фарқи шундаки, уларнинг кулоқлари текис ёки конюлирли, баъзи бирларининг кулоғи кичкина, митти шаклида (7.3-расм). Бу давр керамикасида шарсимон қоринли хумчалар учратилди (7.4-



7-расм. IV-VI асрларга тегишли сопол идишлар.


расм). Сополлар орасида эгарсимон уч оёқли алтарлар учрайди (7.5-расм). Сопол қопқоқлар учта, уларнинг иккитаси қўлда ишланган ошхона идишларининг қопқоғи, биттаси дастурхон нимкоса қопқоғидан иборат. Унинг ички борти айланаси бўйлаб параллел чизиқлар билан нақшланган (7.6-

расм). Кўза қўлда ясалган, сиртига қора ангоб берилган. Белида дастаси бор, дастага “шоҳдор кўчқор” тасвири туширилган. Лекин, дастанинг уч қисми бироз синиб қолган. Мана шундай шаклдаги кўзалар Қовунчи маданиятининг 2 босқичида кенг тарқалган (7.7-расм).

Ушбу керамика комплексида ошхона идишлари кўпчиликни ташкил этади. Улар сопол қозонлардан иборат. Уларнинг дасталари хилма-хил шаклларга эга. Масалан, балдоқ устига кесма гул солинган, сопол қозонларнинг кулоқлари қозон гардишига ёпиштириб уланган балдоқсимон кўринишда. Баъзиларида қозон кулоғи ўткир тишли ғилдираксимон ишланган (7, 8, 9-расм). Иккита ёғлоғи кружка топилди, улардан бирининг дастасига шоҳдор кўчқор тасвири туширилган (7.10-расм), унинг рамзий белгиси акс этган яна 1 та кружка топилди (7.11-расм). Комплексида дастаси атрофи қора рангда гул солинган митти кружка қайд этилди (7.12-расм).

Шундай қилиб, топилмалар таркиби, уларга солинган нақшларнинг характери, дастаси ҳайвон шаклида ишланган кружкаларнинг бўлиши арк стратиграфиясида IV-VI асрлар даври керамикасини эслатади. Ушбу қатламдан тош ёрғучоқлар, қайроқ тошлар ҳам кўплаб учратилди. Бу давр хонасининг поли 55x35x15 ҳажмли устма-уст териб чиқилган катта ўлчамли хом ғиштлар билан безатилган. Ғиштларнинг ўлчами ҳамда бир қатор ғишт-пахса усулида қурилиш қолдиқларининг учраши ҳам фикримизни тасдиқлайди. Бу давр керамикаси таркибида қўлда ишланган сопол турлари кўпчиликни ташкил этади. Улар дағал ва кўпол, кулолчилик чархида ишланган сополлар ҳам нисбатан кам миқдорда учради. Бу ҳолатни Марказий Осиёга кўчманчи хионийлар, кидарийлар ва эфталийларнинг кириб келиши билан ҳам изоҳлаш мумкин. Бу давр IV асрдан бошлаб бу заминга кириб келган чорвадорларнинг аста-секин ўтроқлашиш жараёнлари билан узвий боғлиқ бўлиши ҳам мумкин.

Навбатдаги хронологик давр илк ўрта асрларнинг фундаментал шаклланган даври билан боғлиқ бўлиб, унинг даврий санаси милодий VII-VIII асрлар билан белгиланади (8-расм).



8-расм. VII-VIII асрлар сопол буюмлари

Бу даврга тегишли, улардан 2 таси (қўлда ишланган хурмача ва чархда ясалган қопқоқ) археологик жиҳатдан бутун (8.1, 8.3-расм). Идиш гардишлари 98 та, унинг 16 таси қўлда ясалган қозонга тегишли, 82 таси кулоллик чархда ясалган.

Идиш дасталари 48 та. Идиш таг қисми (донцалар) 96 та, унинг 10 таси қўлда, 86 таси кулоллик чархида ясалган. Бу давр сополлар комплексида 13 та қопқоқлар кўшқулокли хурмача кулоғининг идиш танасига ёпиштирилган пастки қисми ярим ой шаклидаги чизма гуллар билан нақшланган (8.1-расм).

Бу давр сопол қозонларининг яна бир муҳим белгиси шундаки, қозоннинг балдоқсимон дастасининг идиш елкасига ёпиштирилган қисми йиртқич қуш - лочин оёғи шаклида ишланишидадир (8.3-расм). Бундай сопол қозонлар керамика комплексида 2 дона учратилди. Сопол қозонларга ёпиштирилган балдоқсимон дасталар қия тик, горизонтал, кулоқсимон шаклда учрайди. Бундай идишлар Тошкент воҳаси сопол кулоллигида кенг тарқалганини кўриш мумкин. Дастаси арқонсимон шаклларда ишланган (8.2-расм). Мана шундай арқонсимон ишланган дасталар қозон дасталари қандай ҳолатда ишланишидан қатъий назар халқанинг устки сирти хоч (крест) ва арқонсимон қилиб нақшланган (8.4-расм).

Сопол идишлар тури хилма-хилдир. Улар бир ва икки кулокли кўзалар, чўзинсоқ думалоқ (сфера) коринли хурмачалар, хум ва хумчалар, жом-тоғоралар, конуссимон коса ва нимкосалар, кенг ва тик бўғизли идишлар, идиш усти қопқоқлари, тарелка, алтарь-чироқ ва бошқалардан иборат. Комплексида хум ва хумчалар аксарият кўпчиликни ташкил этади. Улар 50 та, унинг 22 таси гардиш, 28 таси идиш тубларидан иборат. Комплексида кўзалар сони 70 та, унинг 29 таси гардишлар, 41 таси кўза тубларига тегишли. Кўза дасталари 33 тани ташкил этади. Кўзалар баъзи бирининг жимжимадор нақши остида идиш елкаси бўйлаб қуёш рамзи муҳрланган. Кулолчилик чархида ишланган кўзалар кулоқлари вертикал кавариқ ёки баральефсимон қилиб ишланган (8.5-расм). Кўшқулокли хурмача кулоғининг идиш танасига ёпиштирилган пастки қисми ярим ой шаклидаги чизма гуллар билан нақшланган (8.6-расм).

Идиш қопқоқлари ҳам турлича ясалган. Қозон қопқоқлар устки марказида доира шаклда резервуар ушлагичи бор.

Ушлагич чор атрофи доирасимон босма айлана нақшлар билан ўраб олинган (8.7-расм). Хумча қопқоғининг тутқичи эса схематик одам бошига ўхшатиб ишланган (8.8-расм).


Хурмачалар қопқоқлари эса ярим куббасимон ишланиб, унинг тутқичи ғалтаксимон шаклда ишланган. Бу хилдаги қопқоқлар комплексида 6 дона учради (9.1-9.6-расмлар). Бу давр сополлари орасида доира шаклидаги резервуарга ўрнатилган алтарь-исирикдон учратилди (9.7-расм). Афсуски, унинг исирикдони синган. Комплексида хурмачалар борки, идиш бўғзи ости бўйлаб айланма нақшлар (9.8-расм), солинган. Бир кўзачанинг елка қисмига 3 та овалсимон босма нақш солинган (9.9-расм). Бу давр керамикаси ичида ўнлаб идиш сиртига қора ва қизғиш ранг оқизилган сопол парчалари ҳам учради (9.10-9.12-расмлар).

Бу давр археологик комплексида ўнлаб турли катта ва кичикликдаги тош ёрғучоқлар (9.13-расмлар), қайроқ тошлар, 2 та қўл тегирмон тошлари (9.14-9.15-расмлар), руда янчиш тош болғалари, бир дона ҳайвон суягининг парчаси топилди. Суякнинг парчасини бир учи ўткириланиб, кескир қурол сифатида ишлатилган (9.17-расм).

Шундай қилиб, аркда олиб борилган қазималар натижасида очилган деворлар ва 2012-2013 йилларда Суюрлитепа ибодатхонасида очилган деворларнинг фундаментал характери араблар босқини туфайли вайронага учрайди. Аммо, водийда ҳаёт тўхтаб қолмаган. Аввалгидек бўлмасида, водийнинг чорвадор аҳолиси маълум бир муддат турғунлик ҳолатини бошидан кечирган бўлиши ҳам эҳтимолдан узок эмас. Лекин, Сомонийлар давридан, айниқса Қорахонийлар даврида Оҳангарон водийси яна гуллайди. Бу ҳақда аркда олиб борилган қазималар топилмалари гувоҳлик беради.

Суюрлитепа аркининг шимоли-ғарбий минораси худудида олиб борилган қазималар ишлари Сомонийлар ва Қорахонийлар даври ҳаётини ўзида акс эттирган бой моддий маданият ашёларини олишга имкон берди.

Сомонийлар ва Қорахонийларга тегишли қатламлардан 274 та турли хил сопол идиш парчалари топилди. Улардан 22 таси археологик бутун, улар асосан қозонлар, тухумси-



9-расм. VII-VIII асрга оид сопол ва тош буюмлар

мон кўзалар, сирли лаган ва ликопчалардан иборат. Сопол идишларни қуйидаги типларга бўлиш мумкин: сопол қозонлар, хум ва хумчалар, тухумсимон кўзалар, тоғоралар, обдаста ва қопқоқлар, хурмача, тувак, меъморий парчалар, симоб

кўзача, хилма-хил сирли идишлар, яъни пилта чироқлар, лаганлар, тарелка, коса ва нимкосалар.

Сопол қозонлар. Комплексида сопол қозонлар 7 та, тўмтоқ якунланган лаби ташқи айланаси бўйлаб арра тишли горизонтал ушлагичлар ёпиштирилган. Букри елкали қозон туби томон қисқариб, шарсимон, овалсимон конус шаклини олган (10.1-10.5, 10.8-расмлар). Сопол қозонлар ҳажм жиҳатидан уч хил бўлиб, энг каттасининг оғзи диаметри 24 см, бўйи 25 см. ни ташкил этади. Қозоннинг сиртини қора куя босган. Шакл жиҳатидан иккинчи ва учинчи хил қозонлар биринчисидан фарқ қилмайди. Фақат ҳажм жиҳатидан кичикроқ, холос. Иккинчи хилининг гардиш диаметри 18 см, бўйи 20 см. Учинчи хил қозонларнинг гардиш диаметри 14 см, бўйи 15 см. Улардан иккитаси қулоқсиздир (балдоқсиз) (10.6-10.7-расм).

Кўзалар. Комплексида сопол кўзалар 6 та, кулолчилик чархида ясалган. Уларнинг бўйлари 22-25 см оралиғида, тухумсимон шаклда, 4-5 см оралиғидаги бўғзи айланаси бўйлаб чизма нақшланган (10.10-10.12-расмлар). Шундай чизма нақшлар кўза елкаси бўйлаб ҳам қопланган. Лаби текис кесилган, оғзининг диаметри 7-9 см, оралиғидадир. Кўзалар икки ярусли хумдонда яхши пиширилган. Комплексида 1 дона обдаста бўлиб, у ҳам тухумсимон шаклда, бир дастали, ўта тор бўғизли, бўғзининг баландлиги 10 см, ундан юқориси синиб кетган (11.2-расм).


Хурмача. Комплексида 16 та хурмачалар бўлиб, улардан 5 таси идиш туби, 1 таси гардишлардир. Ҳажм жиҳатидан улар икки гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳ хурмачалар катта ҳажмда, улар 4 дона, оғзи кенг, бўғзининг баландлиги 4-6 см., бўғзининг ташқи сирти ҳар хил чизма гуллар билан нақшланган (11.3-расм). Майда хурмачалар ҳам катталари каби бўртиб чиққан елкаси бўйлаб чизма гуллар билан нақшланган (11.4-расм). Комплексида ягона симоб кўзача ҳам бор. У шарсимон шаклда, гардиш томони айланаси бўйлаб иккита чизикча тортилган, тутқичсимон ишланган оғзи синган (11.5-расм).

Меъморий қурилиш парчалар. Кулоллик маҳсулотлари орасида 3 та ноёб топилма учратилди. Уларнинг бири сопол фрагмент парчаси бўлиб, ўлчами 9x13 см.ни ташкил этади. Фрагментда қандайдир мевали ўсимликнинг гуллагани тасвирланган. Нақшлар қорамтир тўқ қизил фонда берилган (11.6-расм). Иккинчи санъат асарида 8 қиррали фрагмент парчаси тасвирланган. Фрагмент парчаси қирраларининг тўрттаси тўрт хил нақшлар билан безатилган. Биринчиси қатор ромблардан иборат, иккинчиси занжирсимон гуллар билан безатилган, учинчисида ромб нақши қайтарилди, тўртинчиси жимжимадор ўсимликсимон гуллар билан нақшланган. Буларнинг барчаси қорамтир тўққизил фонда берилган. Саккиз қиррали фрагментнинг диаметри 5 см (11.7-расм). Трубасимон тешигининг диаметри 2,5 см. Учинчиси-панжара шаклли тош ашёнинг бўлаги (11.8-расм). Бу уч топилма Қорахонийлар даври аслзодасининг шоҳона саройидан нишона бўлиши мумкин.


Марказий Осиёда ривожланган ўрта асрлар даври кулолчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда тубдан сифат ўзгаришлар юз берди. Сопол идишларни сирлаш бошланди. Худди шу янгилик Оҳангарон водийсида, хусусан, Суюрлитепеда ҳам юз берди. Суюрлитепе аркига солинган стратиграфик шурф-траншеянинг юқори маданий қатламларидан кўплаб сирли сопол идиш парчалари топилди. Айниқса, улар юзасига солинган ранг-баранг гуллар санъат асари сифатида ҳам аҳамиятга молик.

Сирланган сополлар. Сирли сополлар шакли шамоилига кўра хилма-хил бўлиб, улар пилта чироқлар, лаганлар, сопол ликопча, коса ва нимкосаларга бўлинади.

Пилта чироқлар. Улар керамика комплексидида 8 тани ташкил этади. Уларнинг 7 таси тўқ жигаррангда лакланган, дастасининг учбурчак шаклидаги тожисининг юзаси жимжимадор қилиб нақшланган (11.9-11.10-расмлар). XI асрда штампланган тасвирлар билан безатилган, юқори қисми цилиндрсимон ва конуссимон ёритгичлар учрайди. Уларнинг қалқонсимон шакллари ўсимликлар, нақшлар ҳамда зооморфик тасвирлар билан безатилган. Биттасининг танасига оқ



10-расм. 1-8 қозонлар, 9-тоғора, 10-12- кўзалар



11-расм. XI-XII аср сопол буюмлари

рангда лак берилган бўлиб, унинг устидан оч жигаррангда гул солинган (11.11-расм).

Сопол лаганлар. Улар сополлар комплексиди 14 та. Уларнинг 3 таси сариқ рангда лакланган. Уларнинг иккитаси археологик бус-бутун, чуқур лаганлардир. Ҳар иккала лаганларнинг ички юза томонига қора рангда жуда кўп гуллар солинган. Лаганларнинг туби бўртиб чиққан айлана тагликда. Иккала лаган бортига ташқи сирти айланаси бўйлаб тимқора рангда бир қатор қияли чизиқлар тортилган. Бирининг ички юзасида ҳар хил кўринишда учбурчак ва овал шаклларда нақшлар берилиб, улар ичи ёппасига қора нуқталар билан тўлдириб чиқилган. Лаган гардиши айланаси бўйлаб пропорционал равишда 4 та тўлган ой сурати солинган (11.11-11.12-расмлар). Иккинчи лаганнинг таг қисми топилмади. Аммо, унинг танаси синган парчалардан тикланди. Лаган ўз даврида қадокланган, қадок излари идиш парчаларида кузатилади. Лаган оғзининг диаметри 32 см. Лаганнинг ички юзаси ёппасига тўрт иқлим қуёш гуллари билан нақшланган. Қуёш ичи эса жўжасифат расмлар, катта-кичик нуқталар, боши, тумшуғи ва думи қизил рангли кушлар сурати билан безатилган (11.13-расм). Учинчи лаганнинг фақат айлана таглиги топилди. Унда ичи нуқталар билан тўлдирилган овал шаклидаги 4 та жониворнинг изма-из ҳаракатдаги суратлари солинган. Қозиклар иккинчи учидан бир-бирларига уланиб, тўғри тўрт бурчакни ҳосил қилган (11.14-расм). Сарик фонли лаганлар нақшининг ўта мураккаб ишланиши, унинг самовий жисмлар ва муқаддас кушлар рамзий суратлари билан безатилиши, уларнинг маданий характеридан далолат беради

Ушбу ҳудуддаги (олдинги вилоят халқ таълими бўлими биноси ўрнида) шурфларнинг (2 та шурф) бирдан эллинистик даврга тегишли (эр. авв. II -I асрлар) сопол (қадах, коса ва бошқа) бўлақлар қайд қилинди. Шу билан бирга, биринчи шурф ҳудудидан қадимги арик ўзани ўтганлиги аниқланди. Бироқ, бу ерда мазкур даврнинг меъморчилик қолдиқлари учрамайди.



6-расм

Бўстонсарой кўчасида (Юсуф Ҳамадоний, Бўстонсарой маҳалласи (У. Турсунов кўча) Ипак йўли, Ипотека банклари ва меҳмонхона қурилиши режалаштирилаётган майдонда қазиб ўрганилган шурфларда (8 та шурф) ҳам ўрта аср ва Темурийлар даврларига оид сопол ва пишиқ ғишт бўлақлари қайд қилинди. Ушбу майдонда аҳоли учун турар-жой уйлари қурилиши натижасида маданий қатламларга жиддий зарар етказилган.

Ғиёсиддин Жамшид маҳалласи, яъни Ибн Сино кўчасининг ғарбий ҳудудлардаги майдонда қазиб ўрганилган чуқурлардаги (16 та шурф, №20-35) қатламлар бир хил кўринишда. Яъни, шурфларнинг стратиграфик қатламларини кўрсатишича, юқори қисми тупроқ билан тўлдирилган қатлами иборат бўлса-да, унинг остини қизил кум қатламидан ташкил этади. Бу ер олиб борилган қазиш ишлари натижасида жуда кам миқдорда XI-XII ва XVII асрларга оид сопол парчалари аниқланди.

Гелион ҳудуди (№8 объект), яъни Ибн Сино кўчасининг ғарбий ҳудудлардаги майдонда қазиб ўрганилган шурфлардаги (2 та шурф) қатламлар аралаш ҳолатда. Бу ерда олиб борилган қазиш ишлари натижасида жуда кам миқдорда VII-VIII, XII-XIII, XV-XVI, XVII-XVIII асрларга оид сопол парчалари аниқланди. Қайд қилинган топилмаларнинг кўрсатишича, юқорида тилга олинган саналарга оид маданий қатлам

бўлганлигини кўрсатади. Афсуски, ушбу майдонда ўтган асрнинг иккинчи ярмида ишлаб чиқариш билан боғлиқ бинонинг қурилиши натижасида маданий қатламлар бутунлай бузилиб кетган.

№36-43 шурфлар Фурқат ва Намозгоҳ маҳаллалари орасида қазилди. Қазिशмалар натижасида маҳалла тарихига оид бўлган маълумотлар ҳам тўпланди. Жумладан, Намозгоҳ маҳалласи XIX асрда ташкил топган бўлиб, унинг номи билан юритилган масжид XV- XVI асрда барпо қилинган. Яъни, масжид Бухоро амири Имомқулихоннинг бош вазири Нодир Девонбеги томонидан 1630 йили қурдирилган (Сувонқулов, 2007. Б. 38). Самарқанд шаҳри атрофидаги колхоз ерлари шаҳар тасарруфига ўтиши муносабати билан аҳоли ер участкаси олиб янги ҳовлилар қура бошладилар. Натижада янги маҳаллалар вужудга келди. Ана шундай маҳаллалардан бири Фурқат маҳалласидир (Самибоев, 2007. 371 б.).

Юқоридаги икки маҳалла ўртасидан маҳаллий аҳоли томонидан Чашма, деб аталган ариқ оқиб ўтади. Мазкур ариқ илгари сувни Шовдор каналидан олган ва Регистон атрофидаги жойларни сув билан таъминлаган. Шу ерда яшовчи ёши улуғ одамларнинг сўзларига қараганда, ариқ атрофи ўтган асрнинг 40-йилларига қадар ботқоқзор, қамиш ва дарахтзордан иборат бўлганлиги таъкидланди. Айниқса, 2, 3 шурфларда олиб борилган тадқиқотлар Чашма ариқ ўзани эканлиги намоён бўлса, 4-6, 8 шурфларда эса балчиқсимон қатламлар ва унинг орасидаги чириндига айланган дарахтлар томирлари бунинг яққол исботидир.

Манбаларда ўрганилган худуд Хўжа Аҳроп Валининг авлодларига тегишли токзорлардан иборат боғ бўлганлиги таъкидланган (Абдулфатҳ ал-Хусайний, 2004. Б. 74). Аммо, кейинги йилларда бу жойдан вилоят ҳарбийлар йиғилув пункти ва аҳолига турар-жойлар қурилиши натижасида ўзлаштирилган. Қазилган шурфлардан маълум бўлдики, балчиқсимон қатламлар устидан қалинлиги 1,0-1,77 м бўлган тупроқлар билан тўлдирилиб унинг устидан замонавий турар-жой бинолари ва унинг ҳовлиси қурилганлигини кўришимиз мумкин.

Самарқанд шаҳар Фурқат ва Намозгоҳ маҳаллаларининг худудидаги Г-34 худудини ўнг томони, “Расмий меҳмонлар уй” атрофидаги майдонда қазилган шурфлар (8 та шурф) стратиграфиясининг илмий таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, юқори қатлам тўлдирилган тупроқ қатламдан, ости эса кум қатламдан ташкил топган. Негаки, маҳаллий аҳолини хабар беришича, сизот сувлари ер сатҳига яқин бўлганлиги сабабли бу худудда турар жой уйлари қурилишидан олдин тупроқ олиб келиб тўлдирилган. Шундай бўлишига қарамай, тўлдирилган қатламлардан оз миқдорда бўлсада, ўрта асрларга тааллуқли сопол бўлаклари учрайди.

Самарқанд шаҳар Бульвар хиёбони худудида жойлашган олдинги “Интурист” меҳмонхонаси ўрнида янги меҳмонхона қурилиши муносабати билан битта 2x3 м ўлчамдаги шурфда казиш ишлари олиб борилди. Мазкур шурфдан олинган археологик манбаларни кўрсатишича, бу ерда VII-VIII, XI-XII асрлар ва Темурийлар даврига оид сопол ҳамда меъморчиликда ишлатиладиган мозаикалар қайд қилинди. Ушбу шурфни юқори қатламида XVII-XIX асрларга тегишли сирланган коса бўлаги аниқланди. Умуман олганда ушбу худуд Темурийлар саройининг рўпарасида жойлашган бўлиб, бу ерда ўтган асрнинг иккинчи ярмида “Интурист” меҳмонхонаси қурилган. Бунинг натижасида, мавжуд бўлган маданий қатламга жиддий зарар етказилган.

Юқоридаги маълумотлар асосида қўйидаги хулосага келиш мумкин:

Ушбу казишма ишлари олиб борилган худудлар VII-VIII асрларда шаклланган бўлиб, қадимий Самарқанд шаҳрининг таркибий қисми - рабоднинг худуди доирасида бўлиб, тарихий манбаларда Абу Муслим VII аср ўрталарида ушбу деворни қайта таъмирлатгани ва девор ичида уч мингдан зиёд кўшклар, боғлар мавжуд бўлганлиги қайд этилган. Қарийб 6000 га майдонни эгаллаган шаҳарнинг ушбу қисми, айниқса Қорахонийлар даврида кенг ўзлаштирилган бўлиб, бу даврда рабоднинг 12 та дарвозаси мавжуд бўлган ва ҳар бир дарвоза маълум бир маҳалла номи билан аталган. Худди шундай маҳаллалар қолдиқлари яъни, XI-XII асрларга оид турар-жойларга мансуб қатламлар ҳозирги Бўстонсарой кўчаси

Мустақиллик, Юсуф Ҳамадоний маҳалаларида олиб борилган шурфларда кузатилган. Бундан ташқари шурфларда Темурийлар ва сўнгги ўрта асрларга оид топилмаларнинг аниқланиши кейинги даврларда ҳам ушбу ҳудуд ўзлаштирилиши давом этганлигини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар:

- Ртвеладзе Э.В., Ташходжаев Ш.С., Федоров М.Н. Нумизматические этюды. Монетные находки в квартале гончаров домонгольского Самарканда. Афрасиаб. Вып. III. Отв. ред. Я. Гулямов. Ташкент, 1974.
- Ҳазрат Хожа Аҳрори Вали Насафномаси (Ҳазрат Хожа Аҳрори Валининг Ҳазрати Хоқон Саъид Султон Мирзога ёзган мактуби). Аҳрорхон Усмон ўғли таржимаси. Тошкент, 2004.
- Самибоев Х.Х. Маҳалланинг шаҳар тизимидаги ўрни //Самарқанднинг умумбашарий маданий тараққиёт тарихида тутган ўрни. Тошкент-Самарқанд, 2007.
- Сувонкулов И. Самарқанд қадамжолари. Тошкент, 2007.

**М.М. Саидов, К.А. Рахимов, А. Сандибоев,
Н. Рашидов, А. Назаров, Ш. Очиллов, Д. Бадридинов**

2020 ЙИЛДА САМАРҚАНД ШАҲРИ ҲУДУДИДА ОЛИБ БОРИЛГАН АРХЕОЛОГИК ҚИДИРУВ ТАДҚИҚОТЛАРИ

Маълумки, Самарқанд шаҳрининг тарихий ва буфер қисмларида турли даврларга оид маданий қатламлар сақланганлиги муносабати билан бу ерда қурилиш ва хўжалик ишларини режалаштиришдан олдин археологик кузатув ишларини олиб бориш кўзда тутилган. Зеро, "Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги қонунга кўра, инсон фаолиятининг барча кўринишларига тааллуқли ҳамда сақланиш ҳолатидан қатъи назар археологик, антропологик, этнографик қимматга ёки ўзга тарихий, илмий, бадиий, маданий қимматга эга бўлган жой, иншоот (асар), иморат, мажмуа (ансамбль), уларнинг бўлаклари, улар билан боғлиқ ҳудудларда ер қазииш, ер тузиш, қурилиш, мелиорация, хўжалик, йўлсозлик ишларини ва бошқа ишларни бажаришда маданий мерос объектларини сақлаш талабларига риоя қилиниши белгиланган.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, 2020 йилда Маҳдуми Хоразмий мажмуаси ҳовлиси, Кўксаройнинг шарқий қисми, Чуқур йўл кўчаси ҳамда Регистоннинг шарқий қисмида археологик қидирув ишлари олиб борилди.

Маҳдуми Хоразмий мажмуаси ҳовлисида олиб борилган археологик кузатув ишлари

Самарқанд шаҳридаги Бухоро кўчаси 143-уй жойлашган ҳудуд ёзма манбаларда XV-XVI асрларда ташкил топган Маҳдуми Хоразмий маҳалласи сифатида қайд этилиб, унинг номи шу ерда яшаган тасаввуф тарикатининг буюк намояндаси, Аҳмад Яссавий таълимотининг давомчиси Маҳдуми Хоразмий шахси билан боғланади.


Адабиётларда Маҳдуми Хоразмий маҳалласи шимол томондан Қози Калон, шарқий томондан Яҳудийлар маҳалласи билан, жанубдан Қози Ғафур ва ғарбдан Урмитан (шаҳар ариғи ёнида) маҳаллалари билан чегарадошлиги,

маҳаллада, асосан, темирчилар ва мих ишлаб чиқарувчи ҳунармандлар яшаганликлари борасидаги маълумотлар ўз аксини топган. Шу билан бир қаторда, маҳалла ҳудудида масжид, ховуз, ҳужралар, таҳоратхона, савдо дўконлари ва карвонсарой мавжуд бўлган (Абрамов, 1989. С. 13).

Ҳозирги вақтда Самарқанд шаҳридаги Бухоро кўчаси 143-уй манзилида ЎзР Маданий мерос департаменти томонидан рўйхатга олинган, XIX аср охири - XX аср бошларига оид Махдуми Хоразмий мажмуаси жойлашган (Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк ..., 2019). 2020 йилда Махдуми Хоразмий мажмуаси ҳудудида иккита шурф ташланиб, бир қатор илмий маълумотлар қўлга киритилди. Жумладан, 1-шурф Махдуми Хоразмий масжидини олди томонидан 6 м. лар жанубда жойлашган. 2x3 м ўлчамда бўлган шурф ер сатҳидан 2,50 м чуқурликга қадар қазилди (1-расм). Ушбу қирқимда еттита қатлам аниқланиб, қатламларни барчасида X-XI, XVII-XX аср бошларига оид материаллар аралаш ҳолатда қайд этилди.

Иккинчи шурф (№2) биринчи шурфдан 30 м. лар жанубда жойлашган бўлиб, ўлчами 2x3 м, 3,20 м чуқурликга қадар қазилди (2-расм). Шурфнинг шарқий томонида 20 см пастда эни 50 см бўлган замонавий ғишт бўлақларидан бир қатор терилган йўлакча ўрни очиб ўрганилди. Бундан ташқари шурфнинг ғарбий томонида бетон устун қолдиқлари кузатилди. Ер сатҳидан 3 м лар чуқурликда 3 та қабр ўрни борлиги қайд қилинди (3-расм). Шурфнинг ғарбий томонида бетон устун туфайли қабрларга зарар етказилган ҳамда бетон устуннинг йиқилиш хавфи туфайли шурфни пастга қадар қазиш тўхтатилди. Шу туфайли қабрларнинг шакли ва ўлчамларини аниқлаш имкони бўлмади. Қабрлар бу ерда сақланаётган қабртошлар билан боғлиқ бўлиши мумкин.



Шурфда тўртта қатлам аниқланган бўлиб, 3- ва 4-қатламларда X асрдан тортиб XIX асрларгача бўлган даврларга оид сирланган сопол бўлақлари, хом ва пишиқ ғишт бўлақлари аниқланди. Хусусан, 4 қатламда 22x22x3,5; 27,5x27,5x5; 27x14x3,5-4; 29,5x16x4 см ўлчамдаги пишиқ ғиштлар аралаш ҳолатда учрайди. Умуман олганда, 1969-1970 йилларда мажмуа атрофида жамоат биноларининг қурилиш арафасида шу атрофда олиб борилган қазишма



I-расм

ишлари жараёнида ер сатҳидан 2-3 м. га қадар XVIII охири – XX ўрталари, 3-4 м дан пастда XIV-XVII аср, ундан пастда 6-7 м чуқурликда жойлашган материкга қадар X асрларга оид қатлам ва иншоот қолдиқлари кузатилган (Бурякова, Буряков, 1973. С. 215-217).

Шу билан бир қаторда, ховли ўртасидаги чуқурликда амалга оширилган тозалаш ишлари натижасида жануб ва



2-расм. Иккинчи шурф тарҳи



3-расм. Қабр ўрни



4-расм

ғарб томон йўналган, ер сатҳидан 80 см пастда пишиқ ғиштдан терилган девор қолдиқлари топилди (4-расм). Мазкур деворни сақланиш баландлиги 1 м. лар, кенглиги эса 80 см ташкил қилади (пастдаги саккиз қатор ғишт ўлчами 27x13,5x6,5 см, юқоридаги олти қатор эса 27x13,5x6,5 см; 22x22x4,5 см; 23x23x4-4,5 см). Деворни шарқий томонидаги тўлдирилган қатламдан XIX аср охирларига оид археологик бутун коса идиши топилди. Ушбу девор қолдиқлари XIX охири — XX аср бошларига оид хонақоҳ, хужра каби иншоотларга тегишли бўлиши мумкин.

Кўксаройнинг шарқий қисмида олиб борилган археологик кузатув ишлари

Кўксарой шарқий қисмидаги археологик кузатув ишлари икки пунктда олиб борилди.


1 пункт. Самарқанд шаҳридаги Даҳбед кўчаси 1^а манзилида, яъни Амир Темур аркидан шарқий, Афросиёб меҳмонхонасидан 100 м лар шимолий шарқда, Наводон каналини чап томонида бино қурилиши режалаштирилаётган майдонда қазилган (узунлиги 54 м, кенглиги 31 м, чуқурлиги 3,20-5,70 м. гача этади) котлованда археологик кузатув ишлари олиб борилди. Ушбу котлованни ғарбий томонидаги 7,70 м кенглик, 5,70 метр чуқурликдаги қирқими тозаланди. Бу қирқимни жанубий томонидан бадраб ўрни очиб ўрганилди. Уни диаметри 1 м. ни ташкил қилади. Қирқимда 8 та қатлам кузатилди (5-расм):

1-қатлам. Юмшоқ ғовак қатлам бўлиб, унинг қалинлиги 45-50 см. тенг. Унинг тупроғи таркибида ўсимлик илдизи, замонавий пишиқ ғишт бўлақлари учрайди.

2-қатлам. 10-15 см қалинликда қизил кум ётқизилган бўлиб, у стратиграфик қирқимнинг ҳамма томонида бир хилда давом этади.

3-қатлам. 17-20 см қалинликда шағал ётқизилган бўлиб, у стратиграфик қирқимнинг ҳамма томонида бир хилда давом этади

4-қатлам. Ўртача зичликдаги тупроқ қатлам бўлиб, у стратиграфик қирқимда бир хилда давом этади. Унинг қалинлиги 1-1,10 м гача этади. Мазкур қатлам таркибида ўсимлик илдизи, пишиқ ғишт бўлағи ва шу билан тош бўлақлари учрайди.



5-расм. Кўксаройининг шарқий қисмида ташланган шурфнинг қирқими

5-қатлам. 12–15 см қалинликда шағал ётқизилган бўлиб, у стратиграфик қирқимнинг ҳамма томонида бир хилда давом этади

6-қатлам. Ўртача зичликдаги қўнғир рангдаги тупроқ қатлам. У стратиграфик қирқимнинг ҳамма томонида бир хилда давом этади. Унинг қалинлиги 1,20-1,50 м гача этади. Қатлам таркибида кесакчалар ва оз миқдорда сирланган кулоллик идишни парчаси кузатилади.

7-қатлам. Қизил кум қатламдан иборат бўлиб, у стратиграфик қирқимнинг ҳамма томонида бир хилда давом этади. Унинг қалинлиги 0,90-1,20 м гача этади.

8-қатлам. Қизғиш рангда лёсс қатлам.

1-6 қатламларда оз миқдорда сўнги ўта асрларга оид сирланган кулоллик идишлари парчалари кузатилди.

2 пункт. Самарқанд шаҳридаги Даҳбед кўчаси 170 манзилида, яъни Амир Темур аркини шарқий томонидаги манзилида иккита шурф ва қурилиш учун қазилган

(чуқурлиги 70-75 см, кенглиги 55-60 см, узунлиги 42 метр)
7 та котлаванда археологик назорат ишлари олиб борилди.

Шурф-1 худуднинг жанубий томонида жойлашган бўлиб, ўлчами 2,10x3,80 м, чуқурлиги 2,70 м ни ташкил этади (6-расм).

Шурфнинг қирқимидаги қатламлар қуйидагилардан иборат.

1-қатлам. Чим қатламдан иборат бўлиб, унинг қалинлиги 5-7 см. тенг.


2-қатлам. Қизил тупроқ ётқизилган, у ўртача зичликда ва майин қатлам, у стратиграфик қирқимнинг ҳамма томонида бир хилда давом этмайди. Унинг қалинлиги 30-40 см гача этади.

3-қатлам. – Бетон плитка терилган бўлиб, унинг қалинлиги 6 см ташкил қилади. У стратиграфик қирқимнинг ғарбий томонида кузатилади.


4-қатлам. Ўртача зичликдаги тупроқ қатлам бўлиб, у стратиграфик қирқимнинг ҳамма томонида бир хилда давом этади. Унинг қалинлиги 2,35-2,40 м гача этади. Мазкур қатлам таркибида кенглиги 17 см, қалинлиги 4 см ўлчамдаги пишиқ ғишт бўлаги ва шу билан бирга 22x22x5 см, 27x27x5,5 см пишиқ ғишт, ўрта ва сўнгги ўрта асрларга оид сирланган сопол бўлақлари (аралаш), ҳайвон суяқларини парчалари ва қизғиш кесакчалар, шурфнинг шарқий ва жанубий қирқимда 3 та одам бош суяги билан бирга қолган қисмини суяк қолдиқлари учрайди. Бундан ташқари қатлам таркибида меъморчилик безаги, яъни турли хилдаги мозаика бўлақлари кузатилади. Мазкур қатлам лёсс қатлам устига ётқизилганлиги аниқланди (лёсс қатлам сатҳи бир текисда эмас. Унинг устида одам суяқларини қолдиқлари учрайди).

Одам суяқларини аралаш қатламда (3-қатлам) жойлашганлигини инобатга олиб айтадиган бўлсак, майдонни текислаш жараёнида яқин атрофдан тупроқ билан суриб келинган бўлиши мумкин. Бундан ташқари, қатламда жуда кўплаб мозаика қолдиқларини учраши, ушбу худудга яқин жойда монументал бино бўлганлигидан дарак беради.

2-шурф биринчи шурфдан 45-50 м лар шимолда жойлашган бўлиб, ўлчами 2,60x3,60 м, 4,50 м чуқурликда қазилди (7-расм).



6-расм. Кўксарой шарқий қисмидаги 2 пунктда ташланган 1 шурфнинг қирқими



7-расм. Кўксарой шарқий қисмидаги 2 пунктда ташланган 2 шурфнинг қирқими

Шурфнинг қирқимидаги қатламлар қуйидагилардан иборат.

Қирқимнинг юқори қатлами чим қатлам бўлиб, унинг қалинлиги 5-7 см тенг.

1-қатлам. Оч жигар рангли юмшоқ тупроқ ётқизилган бўлиб, у стратиграфик қирқимнинг ҳамма томонида бир хилда давом этади. Унинг қалинлиги 35-50 см гача этади. Таркибида 27x27x5,5 см ўлчамдаги пишиқ ғишт ва сўнгги

даврларга оид сирланган кулоллик идиш бўлаклари кузатилади.

2-қатлам. Кул рангли тупроқ қатлам. У стратиграфик қирқимнинг ҳамма томонида бир хилда давом этади. Унинг қалинлиги 20-25 см, қатлам тарқибида замонавий пишиқ ғишт ва оз миқдорда асфальт қолдиқлари учрайди.

3-қатлам. Ўртача зичликдаги қўнғир рангдаги тупроқ қатлам. У стратиграфик қирқимнинг ҳамма томонида бир хилда давом этади. Унинг 3,40 метргача қалинликда қисми очиб ўрганилди. Қатлам тарқибида қурилиш қолдиғи, яъни бетон бўлағи, пишиқ ғишт парчалари, сирланган кулоллик идиш бўлаклари, 24x23x4 см ўлчамдаги пишиқ ғишт, тош бўлаклари ва мозаика парчалари учрайди.

4-қатлам. Ўртача зичликдаги оч жигар рангдаги тупроқ қатлам бўлиб, у стратиграфик қирқимнинг ҳамма томонида бир хилда давом этмайди. Унинг қалинлиги 2,25 м гача этади. Мазкур қатлам тарқибида пишиқ ғишт парчалари ва сирланган кулоллик идиш бўлаклари, қизғиш рангли кесаклар, оз миқдорда қўмир доғлари ва мозаика учрайди.

5-қатлам. Қизғиш рангдаги оқова қатламдир. Уни қалинлиги 5-7 см, тупроғи майин бўлиб тарқибида чангсимон кум кузатилади.

6-қатлам. Ўртача зичликдаги қўнғир рангдаги тупроқ қатлам. Мазкур қатламни 30 см қалинликдаги қисми очиб ўрганилди. Қатламда пишиқ ғишт парчалари учрайди.

4-6 қатламлар шурфнинг ғарбий томонида мавжуд бўлиб, 6 қатлам пастга қараб давом этсада, 3 чи, яъни аралаш қатлам эса шурфнинг шарқий томонида 4,5 м чуқурликда ҳам давом этиши кузатилади.

Қурилиш учун қазилган (чуқурлиги 70-75 см, кенглиги 55-60 см, узунлиги 42 м. ли) 8 та котлаванни стратиграфик қатламлари деярли бир хилда, яъни қирқимни юқори 20-30 см қисмида ер сатҳини текислаш учун қизғиш тупроқ билан қизил кум ётқизилган. Уни остида эса ўртача зичликдаги тупроқ қатламни ташкил қилади.

Қурилиш учун қазилган (чуқурлиги 70-75 см, кенглиги 55-60 см, узунлиги 42 м ли) 8 та котлованни стратиграфик қатламлари деярли бир хил кўринишда (8-расм). Яъни, қирқимни юқори 20-30 см қисмида ер сатҳини текислаш

учун қизғиш тупроқ билан қизил қум ётқизилган. Уни остида эса ўртача зичликдаги аралаш тупроқ қатлам мавжуд.


Юқоридаги археологик маълумотлар асосида қуйидаги дастлабки хулосага келиш мумкин. Маълумки, тадқиқот ҳудуди 1371-1372 йилларда соҳибқирон Амир Темур томонидан курдирилган, 34 га майдонни ўз ичига олган Аркнинг шимоли-ғарбий томонида жойлашган. Ёзма ва археологик маълумотлар Арк ташқи томонида чуқур ҳаңдақ билан муҳофазаланган икки қатор мудофаа девори билан ўраб олинган. Мудофаа девори ташқи томонида Новадон канали жойлашган.

1868 йилда Самарқанд Россия империяси томонидан босиб олингандан сўнг, шаҳар аркида ҳарбий гарнизон жойлаштирилади. 1878 йилда рус ҳарбийлари аркда ҳарбий истехком қуриш учун дастлаб арк мудофаа деворларини текислаб ташлашган бўлса, 1880-1981 йилларда аркдаги қолган иншоотларни бузиб юборишади. Жумладан, Шайх Нуриддин Басир мақбараси ҳам тўлиқ портлатиб юборилади. Шайх Бурхониддин Басир ҳоқи эса Самарқанд қозикалони Саид Мир Низомиддин Хўжа раҳбарлигида Ҳазрати Хизр масжидининг шимолий шарқий томонида қайта дафн этилади. 1970-1990 йиллар оралиғида Арк ҳудуди ва унинг атрофида кенг қўламда қурилиш ишлари олиб борилади. Ушбу даврда арк ва унинг атрофи ташқи кўринишида катта ўзгаришлар амалга оширилган. Иккита шурфдаги қатламларнинг жойлашуви ҳам ўрганилаётган ҳудудда айнан мана шу даврларда ободонлаштириш ишлари олиб борилган бўлиши мумкинлигини кўрсатмоқда. Албатта, бу борада аниқ хулосага келиш учун ушбу ҳудудда қўшимча тадқиқотлар олиб бориш лозим.

Чуқур йўл кўчаси 22-манзилда олиб борилган археологик қузатув ишлари

Самарқанд вилояти маданий мерос бошқармасининг 15.10.2020 йилги 1079-сонли хатига асосан, Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Чуқур йўл кўчаси, 22 манзилида археологик қузатув ишлари олиб борилди.

Самарқанд шаҳар, Чуқур йўл кўчаси 22-манзилда жойлашган тепалик кўздан кечирилганда, мазкур жой Самарқанд давлат университети, Физика факультетининг



8-расм. Кўксаройнинг шарқий қисмида ташланган котловжойлар қирқими

лабораторияси бўлганлиги, ammo кейинги йилларда бинолар қаровсиз ва ташландиқ ҳолатга келиб қолганлиги аниқланди. Шунингдек, ушбу жойда археологик маданий қатламлар мавжудлигини аниқлаш мақсадида 3 нуқтасида (Ш 1. Шимолда 4392303. Шарқда 324268; Ш 2. Шимолда 4392307. Шарқда 324259; Ш 3. Шимолда 4392317.98. Шарқда 324249.): (2,30x1,5; 2x1,5; 1,5x1,5 м) шурф ташланди.

1-шурфнинг ўлчами 2x1,5 метр бўлиб, унинг қатламлари куйидагича (9-расм):

1-қатлам, қалинлиги 30-46 см бўлиб, таркибида майда тош, ғишт аралаш кейинги даврда тўлдирилган тупроқли қатлам.

2-қатлам, сариқ тусли аралаш қатлам бўлиб, унинг қалинлиги 30-70 см. Мазкур қатламлар орасида қорахонийлар даврига оид сопол бўлаклари қайд этилди.

3-қатлам юқоридаги қатламлар остида қалинлиги 30 см бўлган соф сариқ қумли қатламни ташкил этади.

Қолган икки шурф таркиби деярли биринчи шурфдан фарқ қилмайди.

2-шурф ўлчами 2,30x1,5 м ни ташкил этади. Унинг қатламлари қуйидагича:

1-қатлам, қалинлиги 40-48 см бўлиб, таркибида майда тош, ғишт аралаш замонавий тўлдирилган тупроқли қатлам.

2-қатлам, қатлам 48-55 см ли ўртача зичликдаги сариқ тусли тупроқли қатламдан иборат.

3-қатлам, юқоридаги қатламлар остида қалинлиги 30 см бўлган соф сариқ тусли қумли қатламни ташкил этади.

3-шурф ўлчами 1,5x1,5 м ни ташкил этади. Унинг қатламлари қуйидагича:

1-қатлам, қалинлиги 35-40 см бўлиб, таркибида майда тош, ғишт аралаш тўлдирилган тупроқли қатлам.

2-қатлам, қатлам 40-70 см бўлган ўртача зичликдаги сариқ тупроқли қатлам.

3-қатлам юқоридаги қатламлар остида қалинлиги 22 см бўлган соф сариқ қумли қатламни ташкил этади

Хулоса қилиб айтганда, 2x1,5 м ўлчамдаги 1-шурфда ер сатҳидан 30 см пастда 40 см қалинликдаги сариқ тусли аралаш қатлам қайд этилди. Қатлам таркибида замонавий қурилиш чиқиндилар билан бир қаторда Қорахонийлар даврига оид бир неча сопол бўлақлари аниқланди. 2,30x1,5 м ўлчамдаги 2-шурф, 1,5x1,5 м ўлчамдаги 3-шурфда ҳам ер сатҳидан 30 см пастда 40-45 см қалинликда замонавий қурилиш чиқиндилардан иборат аралаш қатлам кузатилди. Шурфларда меъморий қолдиқлар ёки катта тарихий аҳамиятга эга соф маданий қатлам кузатилмади. Ҳар учала шурфда ҳам ер сатҳидан 0,60-120 см пастда соф сариқ қумли қатлам (материк) қайд этилди.

Регистоннинг шарқий қисмида олиб борилган кузатув ишлари

2020 йилда Регистон шимолий шарқий томонида 1970 йилларда бузилган ҳаммом қолдиқларини ўрганиш, агарда зарурат бўлса туризм объектига айлантириш борасида қозишма ишлари олиб борилди. Қазув ишлари учта нуқтада олиб борилиб, қуйидаги маълумотлар қайд этилди.

Биринчи қазишма дастлаб 2x3 м ўлчамда шимол жануб йўналишида ташланди. Кейинчалик шимол томон кенгайтириб Т кўринишига эга бўлди (10-расм). Қазишма жараёнида ер сатҳидан 50-60 см пастда 27x13-3,5x7-7,5 см ўлчамдаги ғиштлардан терилган, шимолий ғарбдан жанубий шарқ томон йўналган параллел кетган девор қолдиқлари кузатилди. Девор эни 40-42 см қалинликда бўлиб, улар орасидаги масофа 88-90 см ни ташкил этади. Деворлар 6-10 қатор пишиқ ғишт баландлигида 60-100 см баландликда сақланиб қолган. Худди шунга ўхаш девор қолдиғи қазишма ўртасида кузатилиб у шимолий шарқ томон йўналган, қалинлиги 1 м. ни ташкил этади. Деворлар оралиғида қалинлиги 30-40 см бўлган кул қатлам қайд этилди.



9-расм. Шурф қирқими

Унинг остидаги пол эса турли ўлчамдаги пишиқ ғишт ҳамда тош бўлақларидан ташкил топган. Пол остидаги қатлам 60-70 см қалинликда бўлиб, унинг остида, яъни ер сатҳидан 2,20-2,25 см пастда эни 1 м бўлган тош йўлак қайд этилди. Шимол шарқ томон йўналган йўлак устида XVII-XVIII асрларга оид сопол синиқлари кузатилди.

Қазишманинг жанубий томони кейинги йилларда ўтказилган сув қузури ўтказилиши натижасида бузилган. Қазишма тўламида асосан сўнгги ўрта асрларга оид сопол парчалари хом ғишт бўлақлари қайд этилди. Шу билан бир қаторда 22x22x3,5; 25-7x25-27x4-4,5 см ўлчамдаги пишиқ ғишт бўлақлари ҳам учрайди.

Иккинчи қазишма биринчи қазишмани ғарбий томонида жойлашиб, ўлчамлари 3,5x6 м ни ташкил этади (11-расм). Бу

ерда ҳам шимоли-ғарбдан жануби-шарқ томон йўналган девор ва тумба қолдиқлари кузатилди. Қазишма кўлами биринчи қазишмага ўхшаш. Бу ерда қазишма кул қопланган сатҳга қадар олиб борилди.

Учинчи қазишма биринчи қазишмани шимол томонида жойлашиб, ўлчами 2х6 м ни ташкил этади (12-расм). Бу ерда ер сатҳидан 30-40 см пастда ғарбдан жануби-шарққа йўналган девор қолдиқлари кузатилди. Қазишманинг икки томони сўнгги даврларга оид қувурлар ўтказилиши натижасида бузилган.

Умуман олганда олиб борилган дастлабки қазув ишлари натижасида Бозори ҳаммоми сандуқ, деб аталувчи ҳаммом ўтган асрнинг 70 йилларида бузиб ташланган ва кейинги даврларда олиб борилган қурилиш ва ободончилик ишлари натижасида фақатгина унинг иситиш тизими билан боғлиқ қурилмалари сақланиб қолганлиги аниқланди.



10-расм. Ҳаммоми. Бозори сандуқ, 1 қазишма



11-расм. Ҳаммоми Бозори сандуқ. 2 қазими



12-расм. Ҳаммоми Бозори сандуқ. 3 қазими

Афросиёб ёдгорлигида амалга оширилган қазув ишлари

Қазув ишлари Афросиёбнинг ғарбий қисмидаги қабристон ҳудудида Қорахонийлар даврига оид аҳоли ва унинг биоархеологиясини ўрганиш мақсадида олиб борилди.

Ҳудудда дастлаб тадқиқот ишлари 2019 йилда олиб борилган бўлиб, дастлабки илмий хулосаларга кўра,

Новбахор дарвозасига яқин ҳудуд VII-VIII асрларда ташлаб қўйилганлиги, XII-XIII асрлар бошларида қабристонга айлантирилганлиги аниқланди. Айни вақтда, қазилмалар чоғида VII-XIII аср бошларига оид моддий маданиятини ўзида акс эттирувчи топилмалар аниқланади. Ушбу тадқиқотларни давоми сифатида 2020 йилда ушбу ҳудудида 5x5 ўлчам майдонда қазув ишлари давом эттирилди. Лекин, қазув ишлари қисқа муддатда олиб борилганлиги туфайли, бу ерда битта қабр очилиб, қолган учтасини контурлари қайд этилди. Жумладан, ер сатҳидан 70-100 см паstda, аралаш қатламлар остида аниқланган қабрлар 40x25x10 см ўлчамдаги хом ғиштлардан бунёд этилганлиги аниқланди. Ушбу ҳудудда қазув ишларини кейинги мавсумда давом эттириш режалаштирилган бўлиб, шу асосда қадимги Самарқанд аҳолисининг ўрта аср, жумладан Қорахонийлар даври антропологияси, палеопатологиясини ўрганиши Ўрта Осиёда миграция оқимлари ва антропологик тарқалиш кўлами, уларнинг йўналишини аниқлаш каби муаммоларга ечим топилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

Абрамов М. Гузары Самарқанда. Ташкент, 1989.

Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 864 сон қарори. 04.10. 2019. <https://lex.uz/ru/docs/4543266>

Бурякова Э., Буряков Ю. Ф. Новые археологические материалы к стратиграфии средневекового Самарқанда (по раскопкам площади Регистан в 1969—1971 гг.). — В сб.: Афрасиаб, вып. II. Ташкент, 1973.

**2020 ЙИЛДА КАЛТЕПА ЁДГОРЛИГИДА ОЛИБ
БОРИЛГАН АРХЕОЛОГИК ДАЛА ҚУТҚАРУВ
ТАДҚИҚОТИ**

Калтепа ёдгорлиги Навоий вилояти Кармана тумани Жалойир қишлоғининг шарқий чеккасида Зарафшон дарёсининг чап соҳилида жойлашган кичик тепаликлардан бири ҳисобланади (1-расм). Ўтган асрнинг 80-йилларида бу ёдгорлик ва унинг атроф ҳудудлари Навоий тоғ-металлургия комбинатига кичик дам олиш маскани сифатида бериб юборилган. Бунинг натижасида ёдгорликнинг шарқий ёнида комбинатга қарашли 2 та хона ва бир айвондан иборат турар-жой иншооти қурилган. Шунингдек, ёдгорликнинг устки қисми суриб текислаб юборилган. Ёдгорлик устки қисмининг суриб юборилганлигини унинг шарқий чеккасида амалга оширилган шурф қатламларидан ҳам кузатиш мумкин. Калтепа ёдгорлигининг тарихий-маданий қатламларини аниқлаш, унинг даврий санасига ойдинлик киритиш борасидаги тадқиқотларимиз натижасида ёдгорлик ва унинг атроф ҳудудларида 4 та шурф қазиб ўрганилди (2-расм). Қуйида Калтепа ёдгорлигида олиб борилган кузатув тадқиқотлари хусусида тўхталиб ўтамиз.

Калтепа-2020 III-1 қазилмада олиб борилган ишлар.


Калтепа ёдгорлигида амалга оширилган 1-шурф унинг шарқий чеккасида 1,0x8,6 м ўлчамда қирқма шаклида ўрганилди. Ушбу стратиграфик шурфда 14 та қатлам қайд этилди (3- расм).

1-шурфнинг шимолий девори стратиграфик қатламлари қуйидагича;


1-қатлам, қалинлиги 50 см дан – 60 см гача бўлган юмшоқ сариқ тупроқ турли чириндилар аралашмасидан иборат бўлиб, бу тупроқ қатлами ёдгорлик устки қисмининг кейинчалик текисланиши натижасида суриб келтирилган бўлиши мумкин. Чунки, бу қатлам орасида турли-туман хўжалик чиқиндилари билан бирга ўрта аср даврларига оид



1-расм. Калтепа ёдгорлигининг самодан кўриниши



2-расм. Калтепа ёдгорлигининг топографик чизмаси



3-расм. 1-шурфнинг шимолий девори кесмаси

сопол бўлаклари ҳам мавжуд.

2-қатлам, қалинлиги 10–20 см гача бўлган ўртача зичликдаги аралаш сарғиш тупроқли қатлам бўлиб, унинг орасида майда ғишт бўлаклари ҳам учрайди.

3-қатлам, ўлчами 15 см дан - 30 см гача бўлган қизғиш рангдаги гил аралаш майин тупроқ қатлами мавжуд бўлиб, таркибида қум ёки тош учрамайди

4-йирик пахса қолдиғи бўлиб, у ёдгорлик деворидан қулаб тушган ёки кейинчалик деворни таъмирлаш учун унинг ташқи томонидан урилган пахса қолдиқлари бўлиши мумкин.

5-қатлам, қалинлиги 10–20 см гача бўлган тоза сарғиш тупроқли қатлам.

6-қатлам, қалинлиги 10-20 см гача бўлган кулранг тупроқдан иборат бўлиб, уни таркибига майда қора қум аралашган.

7-қатлам, қалинлиги 10-20 см гача бўлган сарғиш тупроқдан иборат.

8-қатлам, қалинлиги 10-20 см гача бўлган кулранг тупроқдан ташкил топган, унга, майда қора қум аралашган.

9-қатлам, қалинлиги 20 см – 1 м гача бўлган сарғиш рангдаги юмшоқ тупроқдан иборат бўлиб, қатлам орасида майда ғишт бўлаклари ва сопол парчалари учрайди.

10-қатламда, қалинлиги 20-80 см гача бўлган пахса девор қолдиғи мавжуд бўлиб, унинг устки қисмидан ғишт териб чиқилган.

11-қатлам, қалинлиги 20-1,10 см гача бўлган ўртача зичликдаги кулранг тупроқли, сарғиш гил аралаш қатлам бўлиб, унинг орасида майда ғишт бўлаклари учради.

12-қатлам, қалинлиги 40-90 см гача бўлган кулранг тупроқдан иборат, унга майда қора қум аралаш. Қатламдан дарахт томирилари ҳам топилди.

13-қатлам, қалинлиги 10-20 см гача бўлган майда қора қум аралаш кулранг тупроқдан ташкил топган.

14-қатлам, қалинлиги 40-45 см гача бўлган зич, кулранг тупроқли қатлам бўлиб, дарё бўйига хос тўқ жигаррангли тупроқ. Бу қатламда сопол парчалари учрамади.

Калтепа-2020_III-2 изоҳи: Иккинчи шурф ёдгорликнинг жанубий томонидаги тепалиқдан 1 м узоқликда қазиб ўрганилди. Ушбу шурфнинг ўлчами 1x1 м бўлиб, 1,5 м чуқурликгача қазиб тушилди (4-расм).


2-шурфнинг шарқий девори стратиграфик қатламлари қуйидагича;

1-қатлам, қалинлиги 6 см дан – 10 см гача бўлган юмшоқ кул аралаш тупроқ. Унинг устки қисмида ёдгорликнинг юқори ярусларидан сурилиб келган сопол парчалари учрайди.

2-қатлам, қалинлиги 60 см дан – 80 см гача бўлган майда қора қум аралаш кулранг тупроқдан иборат. Бу қатлам орасида ҳам сопол парчалари учради.

3-қатлам, қалинлиги 30 см дан – 60 см гача бўлган зич кулранг тупроқли қатлам бўлиб, унинг орасида лойқа сув ётқизлари бўлган ёпишқоқ қизғиш тупроқ ҳам учрайди.

4-қатлам, қалинлиги 20 см дан – 35 см гача бўлган майда қора қум аралаш зич кулранг тупроқдан иборат.



4-расм. Ш-2 нинг умумий кўриниши ва шарқий девори қирқими


Калтепа-2020 Ш-3 изоҳи: Учинчи шурф ёдгорликнинг ғарбий томонида тепаликдан 1-1,5 м узоқликда ташланди. Ушбу шурфнинг ўлчами 1x1 м бўлиб, 80 см чуқурликга казиб тушилди (5-расм).

3-шурфнинг шарқий девор кесмаси стратиграфик қатламлари қуйидагича;

1-қатлам, қалинлиги 20 см бўлган юмшоқ қатламли чиринди ва хос аралаш сариқ тупроқли қатлам бўлиб, бу тупроқ ёдгорликнинг устки қисмининг сурилиши натижасида оқиб келган тупроқ. Бу қатлам орасида бир нечта сопол бўлаклари топилди.

2-қатлам, қалинлиги 25 см дан - 30 см гача бўлган аралаш шағал, қора қум ва тупроқдан иборат. Бу қатлам орасида бир нечта сопол бўлаклари топилди.

3-қатлам, қалинлиги 30 см дан - 35 см гача бўлган қаттиқ



5-расм. Ш-3 нинг умумий кўриниши ва шарқий девори қирқими

(зич) балчиқ аралаш тупроқли қатлам. Бу қатлам орасида моддий маданият ашёлари топилмади.

Калтепа-2020_Қ-1 изоҳи: Калтепа ёдгорлигида 3 та шурфдан ташқари, унинг устки қисмида 4x2,5 м ўлчамда кичик планиграфик қазиш ишлари амалга оширилди. Қазишма натижасида 1,5 м чуқурликкача жойлашган маданий қатламлар ўрганилди (6-расм).

Калтепа ёдгорлигида олиб борилган тадқиқот ва кузатиш ишларимиз натижасида шу нарса маълум бўлдики, ёдгорликнинг устки қисми турли ён томонларга суриб юборилган. Бунинг натижасида ёдгорликнинг устидаги сўнгги қурилиш даврларига оид маданий қатламлар бузилиб, унга оид маданий ашёлар ёдгорликнинг атрофларига сочилиб кетган. Қазишма ишлари жараёнида девор қолдиқларига дуч келинди. Қазишманинг ғарбий томони ярми 80 см гача қазилиб қизғиш, қаттиқ, ёпишқоқ тупроқкача очилди. Иккинчи, шарқий томон ярми эса 1,5 м гача қазилди, қизғиш, қаттиқ тупроқли қатлам кесиб ўтилди ва қора




6-расм. 1– қазишманинг умумий кўриниши


тупроқли қатламга келиб тўхтатилди

Бу қазишма олиб борилган тадқиқот ишлари жараёнида турли даврларга оид моддий маданият ашёлари бўлмиш сопол парчалари топилди. Қазишмалар натижасида ёдгорликнинг устки қисмидан ва қазиб ўрганилган шурф ҳамда қазишма (раскоп) қатламларидан топилган сопол парчалари антик ва илк ўрта асрларга оидлиги аниқланди (7-11-расмлар).


Навоий вилояти Кармана туманидаги Калтепа археологик ёдгорлигида олиб борилган археологик кутқарув тадқиқот ишлари натижаларига кўра, қуйидаги хулосани қилиш мумкин. Аслида, ушбу археологик дала кутқарув тадқиқотлардан кўзланган асосий мақсад Калтепа ёдгорлигининг тарихий-маданий қатламларини аниқлаш, унинг даврий санасига ойдинлик киритиш ва бу ёдгорликни келажак авлодга етказишда амалий ёрдам бериш эди. Тадқиқотлар натижасида, Калтепа ёдгорлигида қазиб ўрганилган 1-шурф маданий қатламларидан ва ёдгорликнинг устки қисмида




7 – расм. Калтена кўтарма материаллари чизмаси.




8-расм. Калтена III-2. Сопол парчаси чизмаси



9-расм. Калтена Қ-1. Сопол парчалари чизмаси



10-расм. Калтепа Қ-1. Сопол парчалари чизмаси



11-расм. Калтена Қ-1. Сопол парчалари чизмаси

очиб ўрганилган кичик планиграфик қазилмадан топилган моддий ашёлар, яъни сопол парчалари синчиклаб ўрганилиб, улар инсоният тарихий тараққиётининг антик ва илк ўрта асрлар даврига оид эканлиги аниқланди. Демак, Калтепа археологик ёдгорлиги ўз ҳаёт фаолияти даврида қишлоқ зодагонига тегишли кичик турар-жой манзилгоҳи бўлганлиги тўғрисидаги дастлабки хулосага келинди.

МУНДАРИЖА

Тахририятдан	3
Б.М. Абдуллаев, Н.Ш. Қамбаров Андижон вилояти Хонобод-1 ёдгорлигидаги қазишма натижалари	5
Б.М. Абдуллаев, К.А. Крахмаль, Н.Ш. Қамбаров, А.Г. Мухамадиев Андижон вилояти Хўжаобод тумани “Тош ота” қишлоғидаги дастлабки археологик изланишлар	11
А. Асқаров, Х. Матякубов, Д. Нормуродов, Б. Исабеков, У. Исмаилов Суюрлитепа ёдгорлигида олиб борилган археологик қазишмалар	15
С.Р. Баратов, Б.П. Садуллаев, Э.А. Салаев, М.С. Абдуллаев, Ш.Б. Рахимов, А.Р. Якубов. Итоги археолого-изыскательных работ в восточной части Дишан-калы	42
А.А. Грицина, К.А. Рахимов, О.У. Мамиров, Х.М. Содиқов, А.И. Нишонов Эски Ховос ёдгорлигида 2020 йилда олиб борилган тадқиқотлар	54
С.Р. Ильясова, Г.И. Иванов О раскопчных работах на памятнике Шодмалик-ота (Ахангаранский район Ташкентской области) в 2020 г.	71
Б.Х. Матбобоев, Ҳ. Ҳошимов, А. Алохунов, З. Рахронов Мингтепа шаҳар харобасида 2020 йилдаги археологик тадқиқотлар	95

- К.А. Раҳимов, М.М. Саидов, А.Н. Холматов,
Ҳ.Б. Хошимов, Б.Н. Болиев, А.Н. Сандибоев,
С.Ж. Мирзааҳмедов, О.Ў. Мамиров, Х. Раҳмонов,
С.Х. Хўжамов, Р.Х. Муродалиев** 107
Самарқанд шаҳри ҳудудида 2019 йилда олиб борилган
археологик қидирув тадқиқотлари
- М.М. Саидов, К.А. Раҳимов, А. Сандибоев, Н.
Рашидов, А. Назаров, Ш. Очиллов, Д. Бадридинов** 115
Самарқанд шаҳри ҳудудида 2020 йилда олиб борилган
археологик қидирув тадқиқотлари
- А.Н. Холматов, С.Х. Хўжамов** 133
Навоий вилояти Кармана тумани Калтепа ёдгорлигида
2020 йил олиб борилган дала қутқарув тадқиқотлари

Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар.

2020 йил

13-сон

2020 йилда олиб борилган дала тадқиқотлари натижаларига бағишланган тўплам.

ЎзР ФА Миллий археология марказининг Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия қилинган.

Масъул муҳаррир:

Ф.А. Мақсудов

Таҳрир ҳайъати:

М.Х. Пардаев

Ж.К. Мирзаахмедов

М.М. Саидов

А.Н. Холматов

З. Раҳманов

Такризчилар:

т.ф.д. Н.У. Холматов

т.ф.н. К.А. Раҳимов

Компьютерда тайёрловчи *Т.Х. Очиров*

ISBN 978-9943-7101-3-9

10.04.2021 й. да берилган. Босишга.04.2021 й.да рухсат этилди.
Бичими 60x84 1/16. Таймс гарнитураси. Шартли босма табоғи
14,8. Нашр табоғи 15. 200 нусха. Буюртма № 490.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси

Миллий археология маркази

Я. Фуломов номидаги

Самарқанд археология институтида чоп этилди.

140151. Самарқанд, В. Абдуллаев кўчаси, 3-уй.

ISBN 978-9943-7101-3-9



978-9943-7101-3-9